

2



«ОНАЛАР
КУЙЛАГАНДА»

ТЕАТР ВА ОИЛА
САҲНАСИДА

4



11



«СЕНИ
ЯХШИ
КЎРАМАН, ҚИЗИМ!»

МЕН УЯЛДИМ,
СИЗ-ЧИ?



16



Шухрат ОДИЛОВ сурат-лавҳаси

Қорга дейман: намунча, зериктирдинг учқунлаб,
Ёғмасдинг-ку илгари, сурункаси уч кунлаб!

Қудрат ҲИҚМАТ

“ОБУНА — 2010”

ИНДЕКС:

Якка обуначиларга — 176
Ташкилотларга — 177



КЕЧА:

→ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “Баркамол авлод йили” Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойиши эълон қилинди.

→ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Комиссия раиси М. Абдусаломов бошқарди. Мажлисда ОАВ, ЕОХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг сайловларни баҳолаш бўйича миссияси вакиллари иштирок этди.

→ 27 декабрда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этиш учун чет давлатлар ва халқаро ташкилотлардан 250 дан ортиқ вакил рўйхатга олинди.

БУГУН:

→ Олис кунчиқар юрт Япониядан хушхабар келди: Токио шаҳрида дзюдо бўйича “Улкан тож” туркумига кирувчи йирик халқаро турнирда ҳамюртларимиз, Пекин Олимпиадаси кумуш медали соҳиби Абдулла Тангриев (+100 кг.) ва Дилшод Чориев(90 кг.)лар ўз вази тоифаларида бронза медалларига сазовор бўлишди.

ЭРТАГА:

→ Ўлкамизда ҳақиқий маънода қиш фасли бошланиб, ҳаммаёқни оппоқ қор қоплади. Турли манзиллар сари ошиқаётган юрдошларимизнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фармойишига биноан шу йилнинг 10 декабридан 2010 йилнинг 10 январигача мамлакатимизда ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ бошланди!

ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА:

Нолишдан кўра, шукр қилиш афзал	3
Тўй бузилмасин деб, ришталар узилганда...	5
Фуқаронинг махфий ҳужжати нима?	6
Қуш уясида, одам эса оиласида...	7
Теледастурлар	8-10
Чақалоқни йўргаклаш хавфлими?	12
Лотореяга тикилган номус	13
Даҳолар ҳам адашар	15

“ЭХ, СЕНИНГ ЁШЛИГИНГ МЕНДА БЎЛСАЙДИ...”

✓ МУНОСАБАТ

Чунки ҳар қандай мамлакатнинг, жамиятнинг куч-қудрати, салоҳияти ёшларга,

бир сўз билан айтганда, эртанги кун эгаларига бўлган муносабат ва эътибор билан ўлчанади. Бу оддий ҳақиқатнинг асл исботини мана, биз ўз юртимизда кўра-япмиз, гувоҳи бўлиб турибмиз.

Баркамол авлод ҳар доим катта ғамҳўрликка эҳтиёж сезади. Минг бора шукрки, бизнинг республикамызда ёш авлодга таълим-тарбия бериш масаласига давлатимиз сиёсатининг устивор йўналишларидан бири сифатида қаралади. Шу боис ҳам “Таълим тўғрисида”ги қонун ва кадрлар тайёрлаш Миллий дастуридан иборат мейёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ва ҳаётга жорий этилиши ҳар томонлама фаол, баркамол авлоднинг шакллантириш ва маънавий-сиёсий жиҳатдан етук, оғли, малакали кадрларни тайёрлаш бўйича дастуриалмавал вазифасини ўтамоқда.

Яқинда ёшлари олтимиш, еттимишдан ошган кексалар даврасида ўзим тенги 25-30 ёшлар билан қизиқ гурун бўлди. Шу ерда бир отахон бизларга ҳавас билан қараб:

“қанийди, ҳозир ёш бўлиб қолсам-а, ўзим билардим қандай ишлашни, яшашни. Бунақа замонлар ота-бува-имизнинг ҳам тушига қирмаган. Шундай кунларни қадрига етмоқ учун тинмай ўқинглар, изланинглар болаларим” деди...

Шерзод КАРИМОВ,

Тошкент Банк коллежи ўқитувчиси.

Машҳур шоиримизнинг ушбу сатрларини кўп бора эшитганмиз. Ва бу ҳаётий ҳақиқатнинг асл мағзини, моҳиятини чуқур англаган ҳар бир инсон ўз ортидан келаётган ворислари, издошлари тимсолида эртанги кунини кўра олади. Шу маънода Президентимиз Ислам Каримов мустақил Ватанимиз Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимда келаётган 2010 йилни “Баркамол авлод йили” деб эълон қилганларида “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройига йиғилганлар бу таклифни эшитгач, оёққа қалқиб, гулдурас қарсақлар билан кўтаринки руҳда кутиб олганликларини телевизор орқали кўриб, ҳаяжонга тушдим. Негаки, мен ҳам шу озод юртининг эркин бир фуқаросиман. Қолаверса, катта ҳаёт бусасига бир дунё орзу-ниятлар билан қадам қўётган коллеж талабаларига ҳуқуқшунослик фанидан сабоқ бераёлман.

Айниқса, Юртбошимизнинг бу кутлуғ тантанасида “...юртимизнинг эртанги кунини, тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахассис ёшларимиз, десак, ўйлайманки, ҳеч қандай хато бўлмайди” дея айтган эртанги эшитган ҳар бир Ўзбекистон фуқароси ёшларимиз қалбида буюк истиқлолимизга бўлган улғу эҳтиром ва эртанги кунларга ишонч туйғуси янада ортиши шак шубҳасиз.



«ОНАЛАР КУЙЛАГАНДА»

✓ ТАНЛОВ

Алломишлар авлодидан,
алпон болам, аллаё,
Темур бобом зурриёдидан,
полвон болам, аллаё!

Бу халқона, қуйма сатрлар, дилга яқин оҳанглар ҳаммамизга таниш, деярли ёд бўлиб кетган. Бой маънавий меросга эга бўлган халқимиз орасида ажойиб аллаю ёр-ёр кўшиқларини, лапар-ўланларни қойилмақом қилиб айтадиган иқтидор соҳибалари жуда кўп.

Ўзбекистон давлат консерваториясида «Оналар куйлаганда» деб номланган республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси, Маданият ва Спорт ишлари вазирлиги, «Маҳалла» жамғармаси, «Аёллар кенгаши» жамоат бирлашмаси каби қатор ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилган ушбу танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичида ғолиб чиққан жамоалар қатнашишди.

Мазкур тадбирнинг очилишида алоҳида таъкидланганидек, Юртбошимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда барча соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларда беvosита хотин-қизларнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Айниқса, Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси томонидан ёшлар ва воёга етиб келаётган баркамол авлод вакиллари маънавийтини юксалтириш, уларни миллий қадриятларимизга зид бўлган ғоялар, «Оммавий маданият» деб аталмиш ёд таъсирлардан асраб-авайлаш, маҳалла-қўй, оила-ларда соғлом муҳитни шакллантириш борасида қатор хайрли тадбирлар ҳам уюштирилмоқда. Ушбу танловдан кўзилган асосий мақсад ҳам ёшларимизни миллий ва халқлик аънаваларга бўлган ҳурмат-эътиборини оширишдан иборатдир.

Марзия Худобоева, Навоий вилояти, Навоий шаҳар, Ўзбекистон фуқаролар йиғини раиси:

— Биз ушбу танловда кўп йиллардан буён авлоддан-авлодга ўтиб келаётган «лачак ўраш» маросимини кўрсатиб бердик. Қиз бола турмушига чиқиб, биринчи фарзандини дунёга келтиргандан сўнг қизнинг онаси кувёв ўйида бешик тўйи билан бирга ушбу маросимни ўтказиб беради. Лачакни қизнинг онаси ўзи билан бирга олиб келади. Уни келинга ёши улуг онахонлар ўрашади. Лачак ўраган келин нафақат тўй-тўйчиқларда, балки бошқа маъракаларда ҳам иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади.

Иштирокчилар орасидаги энг ёши улуг онахон жаззахлик Майрам

тирок этдик. Аёлми Инжигул Курбонниёзова қизлар узатилаётганда айтиладиган «Хаужар» кўшигини ижро этди.

— Ушбу кўрик танловнинг ўтказилиши нафақат бизлар, балки ёшлар учун ўзига хос синов бўлди, — дейди Қашқадарё вилояти, Шахрисабз тумани «Ситора» болалар богчаси мудираси Ойниса Мажидова. — Халқимиз ўртасида айтилиб келинган, бироқ кейинги пайтларда унутилаётган алла, ёр-ёр, олан ва айтишларини шу бахона яна қайтадан тикланяпти. Бизнинг воҳада ҳеч қайси вилоятникига ўхшамайдиган урф-одатлар кўп. Масалан, келин тушириш маросимини олайлик. Келин ота хонадонидан кетаётганида унинг ёнида каси, укаси, ёки амакиларидан бири ёқилган фонус (чирок) ни кўтариб, келин билан бир машинада кувёникигача ҳамроҳ бўлиб боради. Шу одамга вакил оталик вазифасини бажаради. Вакил ота то келинни кувёв қўлига топширмагунча ҳалиги чирокни ўчишига йўл қўймаслиги керак.

Нихоят танлов ғолиблари аниқланди. Хоразм ҳамда Бухоро вилоятлари биринчи, Наманган, Сурхондарё вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси иккинчи ўрин, Қашқадарё, Фарғона, Тошкент вилоятлари иштирокчилари учинчи ўринни қўлга киритишди. Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитасининг махсус гран-при совринери Андижон вилояти иштирокчилари сазовор бўлдилар. Тошкент шаҳри иштирокчилари эса олий ўрин соҳибни бўлишди. Ғолибларга ҳомийлар томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Фарида Акбарова сўзга чиқди.

Нигора РАҲМОНОВА,
«Оила ва жамият» муҳбири.
Суратни Зебунисо НУРМЕТОВА олган.



Ўринбоева 75 ёшга кирганига қарамай, ҳамон халқ лапарлари, алла, тўй ва маъракаларда айтиладиган кўшиқларни маромига етказиб айтар экан:

Алла болам, оҳори,
Толгарга эксин баҳори.
Чумчуқлар есин донини,
Дуолар қилсин жонини...

«Оналар куйлаганда» деб номланган ажойиб кўрикда илк бор эркак иштирокчилар ҳам қатнашган кўчилини хайратга солди.

— Нафақат аёллар, балки биз эркакларнинг ҳам тўй-маъракаларда айтадиган кўшиқларимиз бор, — дейди қўлига танбур кўтариб олган Қорақалпоғистон Республикасида келган иштирокчи Бахтиёр Хидирбоев. — Мен бахшичилик йўналиши бўйича кўшиқлар куйлайман. Биз тадбирда оилавий иш-

Оила ва жамият

✓ БАНДЛИК ДАСТУРИ — АМАЛДА

778 КИШИ ИШГА КИРДИ

Мамлакатимиз миқёсида жойлардаги Бандликка кўмаклашувчи марказлар томонидан мунтазам равишда ўтказилаётган меҳнат ярмаркалари аҳолини иш билан таъминлаш борасида энг қўлай йўллардан бирига айланди. Бу эса барча ҳудудларда яхши самара бераётир.

— Фузур туманида йил бошидан бери олти марта ўтказилган шундай хайрли тадбир давомида 778 киши ишга жойлаштирилиб, 420 нафарига меҳнат қонунларида кўзда тутилган қоидалар хусусида маълумотлар берилган бўлса, шулардан 30 нафари касб-хунарга ўқитилиб, фойдали ихтисосликларни эгаллашди. — дейди туман Бандликка кўмаклашувчи марказ раҳбари Феруз ЭРГАШЕВ. — Яқинда туман ҳокимлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими ҳақорликда ташкил этилган меҳнат бозорига 37 та ташкилот ва муассаса, яъни «Шўртангазим» мажмуаси, туман халқ таълими бўлими, «Архимера», «Араб-М» сингари масъулияти чекланган жамиятлари ўзларининг 182 та бўш иш ўринлари билан қатнашди. Шу кунни жами 107 киши уйларига иш билан таъминланганлигини тасдиқловчи йўлланмалар билан қайтишди.

Хуллас, энди аънавий тарзда ўтказилиши режалаштирилган ярмарка янги — 2010 «Баркамол авлод йили» да ҳам давом эттаверади.

Шавкат СУЛТОНОВ,
«Оила ва жамият» муҳбири.
Қашқадарё вилояти.

✓ СЛОМАТЛИК

«ИШОН, БИЗ ЁНИНГДАМИЗ»

аёллар соғлиги
йўлидаги акция

«Аёллар кенгаши» Республика жамоат бирлашмаси, «Ҳаёт учун» аёллар ҳамжамияти, «Euro Donna-Uzbekistan» кўкрак беши саратонига қарши халқаро коалиция, «Salus Vita» тиббий соғломлаштириш маркази ва БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорликда ўтказилган ушбу акция дастлаб пойтахтимизда бошланган эди.

«Ишон, биз ёнингдамиз» деб номланган лойиҳанинг узвий давоми сифатида ўтказилаётган акция давомида Самарқанд шаҳридаги консультатив-диагностика поликлиникасида 100 нафарга яқин аёллар тиббий кўриқдан ўтишди.

— Ушбу тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, кўкрак раки хасталигининг олдини олиш ҳамда шундай дардга чалинганларга ҳам маънавий, ҳам моддий кўмак беришдан иборат, — дейди Республика онкология илмий маркази бўлим бошлиғи Нигора МАҲМУДОВА. — Умуман, ҳар бир аёл ўзига эътиборли, ўзгаришлардан доим хабардор бўлиб туриши лозим. Соғлом турмуш тарзига амал қилиб, ичмаслиги, чекмаслиги керак. 37 ёшдан сўнг эса ҳар йили маммолог-шифокор кўригидан ўтиши мақсадга мувофиқ.

Бир кун давом этган кўрик давомида кўкрак саратонига чалинган аёллар бепул маслаҳатлар билан бир қаторда дори-дармонларга ҳам эга бўлишди.

— Ушбу хасталикка чалинганмига етти йил бўлди, — дейди ургутлик Г. исмли аёл. — Худода шукур, ўз вақтида муолажалар қилинган туйфайли фаол ҳаёт кечирялман. Ҳатто яқинда ногиронлик тўловидан ҳам воз кечдим. Оиламда ҳам, ишимда ҳам керакли эканлигимни ҳис қилаялман. Ва шундай бўлиб қолишимга ишонаман.

Гулрух МҲМИНОВА,
«Оила ва жамият» муҳбири.

Ушбу рағз остида берилаётган мақолалар Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва Азборт агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди.

ЯХШИ ГАПДАН СЎЗЛАЙЛИК

КЎНГИЛ МУЛКИ

Мен бу даврада илк бор иш-тирок этишим эди. Лекин аёлларнинг баъзиларини яхши танирдим. Турли соҳаларда ишлаётган, айримлари пенсияга чиққан бир уй аёл... Иштах билан еб-ичишиб, қизгин, лекин бефойда, бемақсад баҳс бошлаган эдилар. Биров нарх-наводан нолийди. Яна бири соғлиғи ёмонлиги-ю, оби-ҳаводан гина қилади. Учинчи аёл эса келинидан сўз очиб, мунозарани янгилайди: «Ўғлим мос эмас, ажратаман, вассалом!» Лекин ҳеч ким кўнгли учун ҳам «Мен келин-куёвлар билан ўзим гаплашаман», демайди. Тақинчоқлари ялтилаган дўмбоққина аёл эса кўшни қизинг эридан ажраб келганини айтиб-айтиб, ёнимдаги хотиннинг ярасига туз сепиб қўйди шеклилли, унинг боши қаттиқ оғриб қолди. Мезбон «тримол» учун дорихонага югурди...

Мен даврадаги бошқа аёллар қатори бу гап-сўзларни одоб сақлаб, жим тинглаб ўтиргандим. Бўлмади, фикримни айтиш вақти келди:

— Илтмос, гўзал, лобар аёллар, — дедим уларга ўзимни яқин тутиб. — Бир дақиқа менга ҳам кулоқ тutingлар. Би-бир яхши гапим бор, сизларга!

Сездим, кимнингдир қоши чимирлиди, энсаси қотди. Бошқаларнинг юзига табассум югурди, «қани опагон, гапиринг!» дейишди.

— Сизларнинг хусну жомалингиз, кийимлару зеб-зийнатларингиз жуда гўзал... Сиз тўкин дастурхонга ҳам яхшилаб би-ир эътибор беринг?! Сўлқилдоқ, чиройли нонларнинг дони далада кўёш тигида пишиб, тегиридон тошида янчилиб, тандир оташида пишиб, биз учун бебаҳо неъматга айланган. Яратганининг ўзи минг бир хил ранг, шакл ва минг бир хил лаззат берган мева-чевалар, ноз-неъматлар... турли пишириқлар. Шуларнинг ҳаммаси сизу биз учун! Лекин кўзимизни каттарок очиб, чоратрофга боқайлик. Булар осмондан тушаётгани йўқ. Ҳаммаси буюк озодликнинг, истиқлолнинг шарофати туфайли эмасми? Ахир, кекса отахону онахонларнинг дардли хотираларини неча марта алаб эшитганмиз. Бу ёғур кунларнинг қадр-қимматини нечоғли бебаҳо эканлигини англаш вақти келди. Шундай экан, нима учун биз тўкин дастурхон атрофида шукроналик ҳижоаларини айтмаслигимиз керак? Юғуриб-елиб, ажойиб таомлар тайёрлаган, уйларни тазалаб, минг бор ҳаяжонланган мезбон хурмати... Ушбу шинам, саришта хонадон ҳақи... Ва айниқса, ҳар биримиз ясашиб-тусаниб, алоҳида вақт ажратиб, уйдан чиқар эканмиз, «Иззат-хурмат ва дўстларнинг иссиқ дийдори учун кетаялман. Дам олиб, яйраб келаман!» деб дилимизга туккан-

миз. Демак, қадамларимиз ҳақиқ... Юракларимизга малҳам бўлгучи сўзлар уйлаб топайлик. Бир-биримизга ибрат улашайлик... Бир-биримизга ибрат мактаби бўлайлик!

Ҳа, гийбат, ҳасрат, беҳуда тортишувлар соғлиққа нечоғли

йирик фикрлай оладиган, яхлит иродага, идрокка эга бўлган аёллар эдилар. Хўш, бугун биз улар ҳақида нималар биламиз? Ёки буюк шоирларимиз шеърларидан тўрт сатрини айта оламизми? Навоийшунос олима Суйи-ма Фаниева ойнаи жаҳонда улуг

синглимиз чиройни, хуснни қандай сақлай олдилар экан, айтиб берсинлар. Ҳаммаимизнинг бола-мизни ўқитган устоз муаллима Салимаҳонимга ҳам сўз берайлик...

Ҳа, азиз аёллар! Тушкун халёлларга берилманг. Ўзингизни камситманг, омадсизман, деманг. Аввало ўзингизни севинг, фикрингизни бойитинг. Дугоналарингиз даврасига руҳан, маънан тайёрланиб келиб, худо берган истеъдодингизни намоеънинг эдинг. Барча ташвишлари, соғлиқ ҳақидаги шикоятларимиз ақалли икки-уч соат остона нарёғида қолсин. Ва сиз дунёга кулиб қаранг.

Айтадиларки: «Икки нарса борким, кўпчилик уларнинг қадрига етмайди. Бирини соғлиқ, иккинчиси бўш вақт!» Ҳар икковини қадрлаш ўз қўлимизда. Ёки ингилларда яхши бир мақол бор экан. Мазмуну шундай: Яъни бир умр зулматни қоралаб юришдан кўра, ҳар бир одам бир дондан чироқ ёқса ҳам олам чароғон бўлиб кетаркан...

Шу кун... Ишонасизми, аёллар қандайдир ўзгариб, кўнглилари ёришиб, бир-бирига яхши ниятлар талаб хайрлашдилар. Ишонаманки, уларнинг руҳиятида албатта ўзгаришлар бўлади. Кейинги давраларга фақат яхши гаплар олиб келишади...

Санъат МАҲМУДОВА

ОБУНА—2010

Бекободнинг чекка, номиям қизик Сетречинка деган қишлоғида яшайман. Ёшим 62 да. Тенгқурларим мен ҳақимда ярим ҳазил, ярим чин аралаш «бирор шахмат, яна кимдир футбол жинниси, бизнинг Абдуқодир эса «Оила ва жамият» деса томдан ташлайди. Бирор сони келмай қолса, тамом, унинг учун гўё яшашнинг маъноси йўқдай юради» дейишаркан ортимдан. Нима қилай, ёшлигимдан бери яхши газета-журнал бўлса қолдирмай ўқийман. Бу газетага эса деярли ҳар йили ёзиламан ва ўқишли мақолаларни яқинларимга тавсия қилишдан чарчамайман.

Уйимизга эса таниш-бегоналар ҳам неча йилдан бери йиғиб қўйган севимли газетам тахламларини сўраб келишади. Уйдагила-

ПУЛИМИЗГА КҮЙМАЙМИЗ



рим ҳам ўрганиб қолишган «кеча укангиз уч ойлик газеталарни беш-олти кунда қайтараман деб олиб кетди, кўшнимизнинг қизи иншо ёзар экан, шунга учта янги сонини сўради, бераверайми?» дейишади. Мен эса суюниб, «фақат йиртмай, авайлаб олиб келишса бўлди», дейман.

Айниқса, кейинги пайтларда жиддий ва долзарб, тарбиявий мавзулардаги «Болангиз қайси мактабда ўқийди?», «Онам мени тан олмади», Қизлархон Дўстмухамедова ҳақидаги «Тўйга рақоса бўлиб бормаганман», «Мен билан суратга тушинг» деб номланган ўнлаб мақолалар менга жуда маъқул бўлди. Ишонинг, ана шундай яхши чиққан сонларини ошналаримнинг ҳам бари ўқиб чиқишди.

Тилагим ва таклифим: Янги йилда ҳам янада қизиқарлироқ мақолалар эълон қилсангизлар. Халқимизнинг суюкли санъаткорлари ҳаёти ва ижоди тўғрисида кўпроқ ёзишларингизни илтимос қиламан. Очиги, гоҳида реклама сал қўлайиб кетаяпти, бу ҳам балки керакдир, лекин кўпроқ мухлисларни ўйлангизлар. Биз пулимизга куймайлик.

Абдуқодир САЛИМБОВ,
Тошкент вилояти, Бекобод тумани.

Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 26.10.2009 йилдаги № 10-09-07/15715 сонли ҳал қилув қарори билан «SIB-NUR» МЧЖ ва Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 26.10.2009 йилдаги № 10-09-07/15746 сонли ҳал қилув қарорлари билан «TRANS SERVIS LUX» ХФ банкрот деб эълон қилинган.

«SIB-NUR» МЧЖ ва «TRANS SERVIS LUX» ХФларнинг Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари, муҳр ва бурчак тамгалари, рўйхатдан ўтказилган таъсис ҳужжатларининг асл нусхалари бекор қилинади.

ЎТ БАЛОСИДАН АСРАСИН!

...Шу йилнинг 29 ноябрь куни Тошкент вилоятининг Пскепт тумани Самадова кўчасидаги 20-уйда ёлғин чиққанлиги ҳақида хабар келди. Зудлик билан воқеа жойига етиб борган ўт ўчирувчилар томонидан кўрилган чоралар туфайли ҳавфли ҳолатнинг олди олинди. Аниқлаштиришга, қозондаги қиздирилаётган ёғ назоратсиз қолдирганили оқибатида ёлғин чиқиб, натижада ошхонанинг шифти ёнган ва хонадон соҳиби 1-2 даражали кўйиш жароҳати олиб, шифохонага ётқизилган.

...Андижон шаҳар Шоҳжаҳон кўчасидаги 42-уйда ҳам иситиш печи мўрчисининг носозлиги сабабли ёлғин содир бўлиб, уйнинг том қисми ҳамда қўшни ишкит хонадонга ҳам сезиларли даражада зарар етган. Бу ҳодисада ҳам ўт ўчирувчиларнинг тезкор ҳаракатлари, фуқаролар жабр кўришмади.

Худди шундай ҳолатлар Самарқанд вилояти Иштихон туманида-

Мухтарам юртдошлар, ушбу мисолларни бежизга келтирмаймиз. Ўйлаб кўрайлик, ана шу тўртта ҳолатда ҳам оддий эътиборсизликка йўл қўйилганлиги

ОГОҲ БЎЛИНГ!

боис ёнган ҳодисаси рўй берган. Бу эса ҳамон юртдошларимиз орасида ёлғин хавфсизлиги қондаларига тўла риоя этмаётганлар учраётганлигини кўрсатади.

Ҳукуматимизнинг махсус фармойишига биноан республикамизнинг барча худудларида шу йилнинг ноябрь ва декабрь ойларида «Ёнган хавфсизлиги ойлиги»нинг кенг қўламда ўтказилишидан кўзланган мақсад битта: у ҳам бўлса, барча давлат ва нодавлат ташкилот ва корхоналари, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, даволлаш ва дам олиш муассасалари, хуллас, аҳоли турар жойларида куз-

да. Бу тадбир бевосита жойлардаги мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча жамоаларда, шу жумладан, қишлоқ ва овул, маҳалла фуқаролар йиғинлари билан бевосита ҳамкорликда учрашув, мулоқотлар тарзида ўтказилапти. Бу борада қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар, амалдаги қатъий қоидаларнинг мазмун-моҳияти мутахассисларимиз томонидан атрофлича тушунтирилиб, зарур ҳолларда аҳоли ўртасида кўргазмалар қуроллар ёрдамида ёлғин хавфсизлигининг олдини олиш билан боғлиқ ўқув-синов машғулотири ҳам уюштирилмоқда.

Яна бир ибратли жиҳати, кейинги беш йиллик таҳлиллардан маълум бўлишича, айнан ана шундай хайрли тадбирларнинг мунтазам ўтказилаётганлиги натижада мамлакатимиз миқёсида ёнганлар сони ҳамда фуқароларнинг тан жароҳати олиш ҳоллари камайганлиги кузатилади. Бу эса давлат ёнган хавфсизлиги хизматининг жойлардаги ходимлари томонидан профилактик ва тарғибот-ташвиқот ишларининг самарали олиб берилаётганлигини, шунингдек, ўзини-ўзи бошқариш идоралари, газ, электр ва бошқа қатор маъсул маҳкамалар билан йўлга қўйилган амалий ҳамкорлик ижобий натижалар бераётганлигини исботлайди.

Бизнинг ниятимиз, имкони борича, ёнган хавфсизлиги хизмати телефонлари куну тун сукутда бўлмаганини чин дўндан ис-таймиз. Халқимиз ибораси билан айтганда, илло, ҳар бир юртдош-шимизни ўт балосидан асрасин!

Равшан АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги
Ёнган хавфсизлиги Бош
бошқармаси катта
инспектори, майор.



ги Одил қишлоғида ахлат чиқиндилари ёқилиб, қаровсиз қолдирилган, лили оқибатида, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли туманидаги Қизилқўприк кўчаси, 77-уй ошхонасидаги газ қувурининг носозлиги туфайли сиз чиққан табиий газ ва ҳаво ара-лашмасидан қақнаш содир бўлган-лиги туфайли ўт чиққан.

ги-қиши мавсумга тайёргарлик ҳолати, айниқса, ёнган хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ жараёнларни назорат қилишдан иборатдир. Шу боис бу маъсулиятли ойлик давомида давлат ёнган нazorати органлари ходимлари томонидан юқоридаги мавзулар бўйича изчил равишда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқ-

ТЕАТР ВА ОИЛА

✓ ГУРУНГ ✓

САҲНАСИДА

**Йигирма етти йилдан бери ҳамнафас,
ҳамқадам яшаб, ишлаб келаётган
Бекчоновлар ҳақида сўз**



Ўзбек театр санъатида Лутфулла ва Гулчехра Саъдуллаевлар, Жумадулла ва Саида Раметовлар, Махмуд ва Шоҳида Исмоиловлар сингари истеъдодли жуфтликлар аллақачон халқимиз қалбидан жой олиб улгуришган. Улар қаторида Муқимий номидаги мусикали драма театри актёрлари Александр Бекчонов ва Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Меҳрижон Бекчоновларнинг ҳам ўз ўрни бор. Оилада, театрда йигирма етти йил ёнма-ён, елкама-елка ижод қилиб келаётган ҳар икки санъаткорга берган биринчи саволимиз бевосита оила мавзусига боғлиқ бўлди.

Ташвишсиз рўзгор қайда?

— Одатда оилада шахс нисбати бир кишига берилади. Бу хонадонда эса икки ҳамкасб, икки ҳамфикр инсонлар яшайди. Бу нима, омадми, тақдир тақозосини ёки олдиндан режа асосида тузилган иттифокми? Бундай рўзгорни бошқариш қийинчилик туғдирмайди?

Александр Бекчонов: — Аввало, бу — тақдир тухфаси. Икки инсоннинг юлдузи юлдузига тўғри келса, бир-бирларини ёқтирса, истеъдодию, қандай шахс эканлигига қараб ўтирмайди. Кўнгилга эса буйруқ бериб бўлмайди. Лекин, яшириб нима қиламан, бизнинг оилада ҳам қийинчиликлар бўлган.

Меҳри Бекчонов: — Менимча эса иккимизнинг биргаллигимиз бу — омад. Биласиз, юртимизда эр-хотин санъаткорлар санокли. Шу боис, айнан театр соҳасида, битта театрда, битта саҳнада доим ёнма-ён ишлаш бу ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган бахт, деб ўйлайман. Буни ҳаёт дейдилар, шунинг учун «йўқ, ҳеч қачон бизнинг оиламизда, демак, ўртамизда муаммолар, ташвишлар бўлмаган», десам аввало, ўзимизни алдайман, кейин эса бошқаларни. Ҳаммасини биргаликда ҳамжиҳатликда енгиб ўтаёلمиз. Илоҳим, бирга ижод қилиш бахтидан айирмасин, худойим.

Санъаткор + Санъаткор = Рақобатчи(?)

— Санъат соҳасида бир-бирингизни рақобатчи сифатида кўрасизларми?

Эри: — Рақобат ҳамма жойда, ҳамма соҳада бор. Усиз яшаб бўлмайди. Бизлар эса, очиги, рақобатлашмаймиз-у, лекин бир-биримизни ҳолисона танқид қилиб тураемиз. Меҳрижоннинг камчиликларини кўпроқ мен айтиб тураман. Ютуғини тан оламан, аммо... Мақтасам, ҳаволалиб кетмасин дейман-да.

Аёли: — Рақобат дегани ютуқларимизни кўролмай, камчиликларимизни юзимизга солиш эмас-да. Ижодий хатунқоснларимизни муҳокама қилаемиз. Бу киши менинг гримдан тортиб, ўйнаган ролим, қийимим, юриш-туришимгача эътибор қилиб, маслаҳат, баъзан танбеҳ ҳам беради. Битта нигоҳиданок нима демокчи эканлигини сезаман. Лекин шу пайтгача мени бирор марта ўзимнинг олдимида мақтамаган. Уларнинг ҳозиржавобликлари, комик, трагик ролларни қойилмақом, халқона айтганда, маромига етказиб ўйнашларига ҳавасим келади. Оилада эса қўш қанотмиз.

Уй бекаси ролида...

— Театрда-ку тушунарли, аммо оиладаги вазифаларингиз алмашиб қоладиган пайтлар ҳам бўладими?

Александр ака: — Аввал шуларни сўрамайсизми, синглим. Э, нимасини айтасиз, вақти келса овқат ҳам пиширганман, кир ҳам ювганман.

Мустақиллигимизнинг 18 йиллик байрами арафасида Юртбошимиз Фармони билан Меҳрижоннинг Ўзбекистон Республикаси халқ артисти деган шарафли унвонга сазовор бўлгани ҳақида эшитганимда хоним уйда йўқ эди. На-



манганга — онасини кўргани кетувди. Бу қувончли хушxabарни эшитган ҳамкасбларимиз, қариндош-уруғ, таниш-билишлар табриқлай бошлашди. Яна денг, уйимизга қутлагани ҳам кўпчилик кела бошлади. Шундай пайтда нима қилиш керак? «Аёлимиз уйда йўқ эди, қайтганидан кейин келасизлар» деб ўтирсам, ўзбекчиликка тўғри келадими? Хуллас, шу кунни унинг ўрнини билдирмай, болалар билан бирга дарров уйлари тартибга келтириб, жой тайёрладик. Ахир, оилам шаъни, обрўси мен учун жуда муҳим. Чунки умр йўлдошимнинг ижодига берилган бундай юксак даражадаги баҳо, эътироф бевосита менга тааллуқли-да. Табиийки, Президентимиз томонидан кўрсатилган бу улкан эътиром аҳил ва иноқ Муқимий театрининг катта жамоаси меҳнати му-

носиб қадрланганини яна бир бор исботлайди.

Меҳри опа: — Бизлар оилада сеники, меники ёки бу эркакнинг, ё аёлниги иши демаймиз. Бир-биримизни тўлдириб кетаверамиз. Тасодиф туйғайли бу кишининг оёғи синиб қолди. Бозор-ўчарни ҳам ўзим қилишимга тўғри келди. Уйдаги оғир-енгилнинг оғи синиб қолди. Бозор-ўчарни ҳам ўзим қилишимга тўғри келди. Уйдаги оғир-енгилнинг оғи синиб қолди. Бозор-ўчарни ҳам ўзим қилишимга тўғри келди. Уйдаги оғир-енгилнинг оғи синиб қолди. Бозор-ўчарни ҳам ўзим қилишимга тўғри келди.

— Санъат ва ҳаётдаги «партнёр»лик тушунчасининг қандай афзаллик ёки зарарли томонлари бор?

Александр ака: — Иккаласида ҳам масъулият бор. Чунки мен саҳнада бир аблаҳи ўйнашим мумкин. Меҳрижон эса ўша аблаҳнинг хотинини ўйнайди. Бу — иккита роль ҳоло. Ҳаётда эса биз мулақо бошқа одамларимиз. Муаллиф сценарийни ёзади, режиссёр уни саҳнага қўяди, ролларни тақсимлаб, вазифа юклайди. Биз шарт-шароитдан, асардаги воқеадан келиб чиқиб, ижро этаемиз. Бунинг шахсий ҳаётимизга дахли йўқ.

Меҳри Бекчонов: — Эсимда, «Тошкентнинг нозанин маликаси» спектаклида пулга ружу қўйган, эри билан ҳам айтишиб кетаверадиган, қўпол, шаллақироқ аёл ролини ўйнадим. Аслида, бу менинг табиатимга тесқари образ. Шу ролни чиқариш бир мунча қийинроқ кечди. Чунки кимгадир гап қайтариш у ёқда турсин, ҳатто мен хўжайиним сал қаттиқроқ гапирса ҳам йиғлаб юбораман. Кейин ишонасизми, шу ролнинг таъсиридан чиқолмай уйда ҳам асабийлашиб, болаларимга, у кишига баяндрок овозда бақириб юборибман-да.

Александр Бекчонов: — Билсанг, ана шу сенинг камчилигинг эди. Ахир бизга институтда домларимиз «Роль ўйнаётганимизда назорат лампочкаси ёниб турсин» деб ўргатишарди-ку! Дездемонани бўғаетганда ичингда: «Мен ролни қойилмақом қилиб ижро этаёман, аммо у фақат ижро», — деган ўй бўлиши керак. Акс ҳолда Отелло партнёрини росткамига бўғиб ўлдириб қўйиши мумкин. Кўпинча бошқа санъаткорларда саҳна билан кўндалик ҳаётдаги ролларни адаштириш ҳолатлари бўлиб туради. Лекин чегарани актёрнинг ўзи назорат қилиши керак.

«Болаларимиз театрда улғайишган»

— Ҳўш, иккалангиз ҳам кўпинча гастролларда, эл хизматида юрасиз.

Болаларнинг тарбияси билан ким шуғулланади? Яқинда қизингиз билан кўрсатувда «Ота-онамиз билан тўйиб гаплаша олмаганимиз, биз билан суҳбатлашишга вақтлари бўлмасди» — деди. Бунга сизнинг муносабатингиз?

Онаси: — Икки фарзандимиз — Дилдора ҳам, Дийрбек ҳам театрда ўсиб улғайган. Спектаклларимиз қўйиладиган кунни ўзимиз билан бирга театрга олиб келардик. Гастролларда ёнимизда бўлишган. Бу эса фарзандларимиз бутунлай эътибордан четда қолган дегани эмас. Уларнинг кўндалик ишлари, дарсларини назорат қилиб тураемиз. Аммо барибир қизим тўғри айтибди, бемалол суҳбатлашиб, дардлашиб ўтиришга ҳар доим ҳам вақт тополмаймиз.

Отаси: — Тан олайлик, бу бизнинг камчилигимиз. Кўпинча ишдан, халқ хизматида қайтганимизда болалар ухлаб қолган бўлишади. Эрталаб эса...

«Бекчоновлар ўйнайдиган кунга билет борми?»

— Ролни қай даражада маҳорат билан ижро этиб, етказиб беришингизда, залда ўтирган томошабинларнинг кам ё кўпчилиги таъсир қилади-ми?

А. Бекчонов: — Битта одамнинг кўнглини хира қилгандан кўра, юзлаб одамларга эзгулик улашиб, раҳмат олиш қандай яхши. Мен роль ўйнаётганимда томошабиннинг муносабатини, нафасини ҳис қилиб тураман. Дам оламан, маданий ҳордиқ чиқараман деб келган инсон иложи борича, биздан рози бўлиб кетиши шарт.

М. Бекчонов: — Ҳар сафар саҳнага чиқишдан олдин «томошабинлар кўпми?» — деб сўраймиз. Зал қанча тўла бўлса, шунча яхши. Лекин ҳақиқий актёр залда битта томошабин бўлса ҳам, ўз ролини бор маҳорати, иқтидорини ишга солиб, чин дилдан ижро этиши керак. «Э, тўртта-бешта одамга номигагина ўйнасам ҳам бўлади, ашуламин олиб ташласам-чи», — деб, томошабинни алдаб бўлмайди. Мақтанишга йўмангу, баъзан эшитиб қоламан, «Бекчоновлар ўйнайдиган кунга билет беринг», — деб кассага келадиганлар ҳам бор экан. Бу ҳам бизга илҳом бағишлайди, буюшимиз кўкка етади.

«Оила ва жамият» муҳбири Шаҳноза РОФИЕВА суҳбатлашди.

ШОГИРДЛАРДАН ФАХРЛАНА ОЛАЙЛИК

— Биласизми, бугунги даврнинг болалари жуда зийрак ва зукко, турли-туман мавзуларга оид саволлари ҳам тош босади— дейди **Кўкон шахридаги 15-сонли умумтаълим мактаби ўқитувчиси Иродахон ВАХОБОВА**. — Чунки улар кўраётган, ўқитган ва англаётган ўзгаришлар, янгиликлар, энг муҳими, замон шиддати шуни талаб қилади-да!

Дарҳақиқат, Ирода опа мана, ўттиз йилдирки, болалар орасида, кадрдон жамоаси даврасида деярли ҳар кун она тили ва адабиёт сабоқлари бўйича баҳс-лашади, ўз кузатув-тажрибаларини ўртоқлашади. Ва табиийки, ҳозирги кун ўқитувчиси зиммасига тушаётган барча масъулиятли вазифаларни

ТАЪЛИМ ФИДОЙИЛАРИ

дириш йўлида тинмай изланади, интилади.

— Она табиатни кузатиб, ўйга толаман. Мевали дарактни олинг: тўрт фаслнинг учтасида фаол "яшайди". Баҳорда гуллаб, ёзда ҳосилга қиради ва кудда дастурхонга ўзининг сархил неъматларини тортиқ этади. Хўш, агар шу даракта бирон зиён етиб, ҳосилга кирмасачи? Эгаси уни кесади қўяди. Инсон-чи? Сизу бизнинг ҳам қисматимизда ҳам шундай ёзуқ бор,— дейди Иродахон опа. — Кўпинча ҳамкасбаримиз

фаолиятини кузатиб, шундай хулосага келаман. Номига ўқиб, хўжақўрсинга диплом олганларни ҳам кўрдик. Охири не бўлди? На бирон мактабда ёлчотиб ишлади, на болага устозлик қила олди. Келдию...кетди. Аслида, таълим соҳаси ниҳоятда машаққатли. Яъни ўқитувчи-мураббийнинг ҳаётини безайдиган бойлик бу унинг муносиб шоғирдлар тайёрлаши билан ўлчанади. Бирор кўзга кўринарли шоғирдингиз бўлмаса, шунча йиллик меҳнатингиз куйди демақдир. Шу боис мен ўз олдимга битта мақсад қўйганман. У ҳам бўлса, эрта бир кун фахрланмоққа арзирли шоғирдларим етишиб чиқса, шунинг ўзи катта бахт. Худого минг қатла шукр, бугун мамлакатимизнинг турли бурчакларида қатор соҳаларда ишлайётган собиқ ўқувчиларим билан кўришиб қолсам, бошим осмонга етади. Шунча йиллик меҳнатим зое кетмаганидан суюнаман.

Ҳа, бугунги қаҳраонимиз, кўкнорлик муаллима Ирода Ваҳобова эриша олган бахту иқбол барча устоз ўқитувчиларга насиб этсин, деймиз.

Ноила ХОЛМАТОВА,
"Оила ва жамият" мухбири.
Фаргона вилояти.

БАХТ ОСТОНАСИ КЕНГАШЛИ ТҮЙ ТАРҚАМАС

— Бундан 5-6 йил илгари ака-ука куда бўлган эдик. Биласиз, тўй қилиш осон иш эмас. Шунинг учун қариндош-уруғ ўзаро куда бўлсак, тўйнинг кам кўстини бирга қиламиз, бир-биримизни суйимиз деб ўйлагандик, — деб сўз бошлади маҳалла йиғилишига келган бир онахон. — Мен қизимни уканинг ўғлига, укам қизини менинг ўғлимга бериб, «қарши куда» бўлдик. Бизнинг бу қароримизни эшитиб, кўпчилик «яхшиси бегоналар билан куда бўлинг, ҳаётда аччиқ-чучук гаплар бўлиши мумкин, шу тарафини ҳам ҳисобга олинг, қолаверса қариндошларингиз ҳам кўпаяди», дейишди. Лекин биз барибир ўз билганимиздан қолмадик. Мана, йиллар ўтди. Қизимнинг фарзанди йўқ, ўғлимнинг эса икки фарзанди ногирон бўлиб туғилди. Невараларимга қараб, юрак-бағрим тилка-пора бўлади. Уларни кўрсатмаган жойимиз қолмади. Тўйда ака-ука бир-биримизни суйдигу, ҳар хил гап-сўзлардан кейин қариндошлигимиз ҳам узилди. Мен бу гапларни шу ерда ўтирганларга сабоқ бўлсин, деб айтаяман, — деди-ю йиғлаб юборди...

Ҳа, хизмат юзасидан баъзида худди шунга ўхшаш воқеаларга тез-тез дуч келамиз. Ҳалиям орамизда «фалончи билан яқин қариндошимиз, куда бўлдик, лекин худого шукр, фарзандлари солпа-соғ, етти мучаси бут» дейдиганлар учрайди. Лекин билишмайдики, эрта бир кун ирсий касалликлар кейинги авлодларда давом этиши ҳам мумкин. Ҳозирги пайтда бизнинг ФХДЭ бўлимида ана шундай муаммоларнинг олдини олиш учун авваломбор ота-оналар билан фаол иш олиб бораёғимиз. Фарзандлари турмуш қуриш оstonасида турган оилалар иштирокида мутахассислар, шифокорлар турли мавзулар бўйича суҳбатлар ўтказишмоқда. Никоҳдан олдинги тиббий кўрикнинг аҳамияти нечоғлик муҳим эканлиги, қизларни эрта турмушга беришнинг, қариндош билан куда бўлишнинг салбий оқибатлари ҳақида жонли мисоллар келтираяғимиз. Шу боис ҳам ҳозир ФХДЭ бўлимига биздан маслаҳат сўраб келаётганлар кўпайди. Бу эса мунтазам олиб борилган ташвиқот-тарғибот ишларимиз самарасидир.

Холбуви МАНСУРОВА,
Жиззах вилояти, Пахтакор тумани
ФХДЭ бўлими мудир.



шараф билан адо этишдан толмайди. Айниқса, ўз фани соҳаси билан боғлиқ янгиликлар билан мунтазам танишиб боришга, шунингдек, оммалашган услубий тавсияларни таҳлил қилишга ҳамда ўз ўқувчиларига янги билимларни синг-

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИГАН

«E S F I R»

ГЎЗАЛЛИК САЛОНИ ҚУЙИДАГИ
ХИЗМАТЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:



Манзил: Тошкент ш., Марказ-5, 59-уй, 29-офис
Тел/факс.: (+99871) 235-55-44,
моб: (+99897) 465-00-44



- * Тўй ва тадбирлар учун ажойиб соч турмаклари
- * Бетакрор макияж
- * Косметология
- * Профессионал соч олдириш
- * Стилист-визажист хизматлари
- * Соч ва киприкларни турли шаклларга келтириш (сочни майдалаб ўриш)
- * Тирноққа оид барча хизматлар (маникюр, педикюр)
- * Танага бадий услубда нақшлар чизиш (турли кўринишда)
- * Мижозларга айтилмасдан ўзлари истагандай хизмат кўрсатиш.

ҚАДРИЯТЛАР ҚАДРИН ТОПМОҚДА

Яқинда Андижон вилоятида ўтказилган «Асл либослар» намоишида замонавий ва миллий услубда табиий матолардан тикилган янги дизайнлар ҳаммагини эътиборига тушди. Сабаби, бугунги кунда ёшларимизнинг мода кетидан қувиб, ўзбекиона кийимларимизни унутиб қўйишга эътибори ҳаммагини бирдек ташвишга солаётган эди. Намоиш этилган либосларда эса азалий қадриятларимиз акс этгани кўпчиликка манзур бўлди.

«Асл либослар» маркази вилоят хотин-қизлар кўмитаси қошида ташкил этилган, — дейди кўмитанинг матбуот котиби Гавҳарой Ҳасанова. — Кўргазма ташкилотчиси эса вилоят ҳокимлигининг ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси бирлашган бошланғич хотин-қизлар комиссияси раиси Манзура Рўзиева бўлади.

— Вилоятимизда 129 та янги турдаги таълим муассасаси, 117 та касб-хунар коллежлари ва 12 та академик лицейлар қад ростлаб, фаолият бошлади, — қувонч билан таъкидлайди Манзура Рўзиеванинг ўзи биз билан бўлган суҳбатда. — Айни пайтда мазкур ўқув даргоҳларида 136 минг 300 нафар талабалар таҳсил кўраётган бўлса, шуларнинг 56 минг 933 нафарини қизлар ташкил қилди.

Ҳозирги кунда коллежларимиз кўп тармоқли бўлиб, ёшлар ўзлари танлаган соҳаси бўйича таълим олиш имкониятига эга бўлишарди. Шунинг баробари-

да ўтилаётган ҳар бир дарс жараёни замонавий ўқув жиҳозлари ёрдамида янги педагогик технологиялар асосида олиб борилади. Бир-биридан қизиқ мавзулар бевосита амалий машғулотлар билан узвий равишда ўқитилиши ёшларда таълимга эътибор орттиришига сабаб бўлмоқда.

— Бундан ташқари ушбу таълимда инсон умри давомида амал қиладиган интеллигентлик, қадриятларга ҳурмат, турли кўникма ва малакалар шакллантирилади. Чун-

талаб қилаётти. Ўқув даргоҳларимизда 8 та соҳа бўйича 911 та мутахассислик билан боғлиқ сабоқ берилди. Чунки таҳсил кўраётган талабаларнинг ҳаммасида ҳам олий ўқув юртига кириш имконияти йўқ. Шундай пайтда уларга коллежда ўрганган касб-хунари асқотади. Шунинг учун ҳам талабаларимизда, кун ўтса бўлди, деган кайфият йўқ. Уқиса, ўрганса келажақда ҳам ўзи, ҳам оиласи, ҳам юрти-мизга фойдаси тегади. Масалан, педагогик таълим йўналишидаги коллежларимизда дарсдан



ки бугунги ёшларнинг интеллектуал қобилияти юқори, англикни ўзлаштиришга, ўрганишга истаги баланд.

— Эртанги кунимиз эгаларининг вазифаси фақат билимларни ўзлаштирибгина қолмай, бирон-бир касб-хунарни эгагидан маҳкам тутган мутахассис бўлиб етишишни даврнинг ўзи

ташқари чеварчилик, кулчилик, уйинчоқ ясаш, тўқувчилик сирлари мукамал ўргатиб бориладики, бунда ёшлар бемалол бир хунарни эгаси бўлиб етишадилар.

Ҳар ҳафта бирор-бир тадбир ўтказилиши белгилаб қўйилган. Бундай маданий кечаларда кўпроқ қизларни турмушга тай-

✓ БАРКАМОЛ АВЛОД

ёрлаш, яъни рўзгор ўқуви, бекалик сирлари билан таништиришдек нозик масалалар хусусида фикрлар билдирилади. Талаба қизлар пишириқ пиширишни, турли салатлар тайёрлашни, миллий ва замонавий дастурхон тузашни ўрганадилар. Мутахассислар иштирокида тиббий саводхонлик, шахсий гигиена, турмушга чиқувчи ёшларнинг тиббий кўриқдан ўтишининг аҳамиятлари ҳақида давра суҳбатлари ўтказиб турилади.

— Андижон енгил саноат касб-хунар коллежи илк марта «Асл либослар» кўргазмасини намоиш этди. Бу хайрли тадбир ташкилотчиси ҳамда марказ раҳбари сифатида айтинг-чи, қўзланган мақсадга эришдингизми?

— Самарқандда анъанавий тарзда ўтказиладиган «Ўз-Стайл» кўрик-танловини мунтазам кузатиб бораман. Ундаги янги яратилган либослар, мохир дизайнерлар томонидан тақдим этиладиган намуналарга ҳавасим келади. Худди шунга ўхшаш кўрик-танловни енгил саноат йўналишидаги мутахассисликлар бўйича иш олиб бораётган касб-хунар коллежлари қизлари ўртасида ўтказишни анчадан бери ниёт қилиб юрардим. Албатта, бу ўзига хос кўрикни муваффақиятли ўтказишга вилоят хотин-қизлар кўмитаси яқиндан ёрдам берди.

Аваллига кўрик-танловнинг ўз олдига қўйган мақсадини томошабинга етказиб бериш учун вилоятимизда фаолият юритаётган ўқув марказларини жалб қилиб, улар иштирокида намунавий тарзда тадбир ўтказдик. Бунда «Шухрат — Люкс», «Иф-фатли келин», «Ҳаётхон — Люкс», «Марваридбегим» каби ўқув марказлари ўзларининг иш намуналари билан иштирок

этидилар. Улар миллий матола-римиздан замонавий, замонавий матолардан эса миллий кийимлар намоишини таъминлашди.

Биласиз, бундай тадбирлар албатта, махсус саҳналарда, янги подиумларда ўтказилади. Андижон енгил саноат ва транспорт касб-хунар коллежида ҳам худди ана шундай махсус саҳна тайёрланди.


— Касб-хунар коллежларида ўқув амалиётлари қандай олиб борилади?

— Маълумки, касб-хунар коллежлари мактаб ва олий даргоҳлардан фарқ қилади. Чунки ўқувчи ёшлар фан таълими бўйича билим олиш билан бирга касбий кўникмаларни амалиётда қўллаган ҳамда ўз йўналиши бўйича мутахассис бўлиб етишади. Ҳар бир ишлаб чиқариш устанонасига эга бўлган таълим муассасаларининг техник базаси бой, мукамал равишда таъминланган. Ана шундай шароитларда ўқув амалиёти ҳам бир вақтнинг ўзида баҳарлиб, талаба ёшларнинг маҳорати шаклланади.

Бир сўз билан айтганда, ҳаммамизнинг эзгу мақсадимиз битта, у ҳам бўлса шу Ватанга муносиб фарзанд сифатида хизмат қилмоқлик учун истикболли касб-хунарларни эгаллашдан иборат. Президентимиз таъбири билан айтганда, «Комил инсон деганда, биз аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, ҳулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз». Замонавий тарзда жиҳозланган мухташам коллежларимизда бунёдкор ёшларнинг билим ва тарбия олиш билан бирга хунар ҳам ўрганиб, камолга етаётганлиги эса бунинг яққол исботидир.

«Оила ва жамият» мухбири Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА суҳбатлашди.

✓ ИЛМ МАСКАНЛАРИДА



Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги 224-мактабда таълим-тарбия ишлари намунали йўлга қўйилиши билан бирга турли хил таълим лойиҳалари устида ҳам иш олиб борилади. Жумладан, Осилё тараққиёти банки ҳомийлигида амалга оширилаётган «JEPPI-9091» имконияти чекланган болалар учун умумий таълим лойиҳасида иштирок этиб, тумандаги 100-интернат ўқувчилари ушбу таълим масканига қабул қилиндилар. Педагоглар жамоаси ҳамда тенгдошлари бундай болаларни соғлом ўқувчилар сафига қўшилишларига яқиндан ёрдам бермоқдалар.

СУРАТДА: Тошкент шаҳридаги 224-мактаб ҳаётдан лавҳалар.

Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар.

✓ БИЛАСИЗМИ?

ФУҚАРОНИНГ МАҲФИЙ ҲУЖЖАТИ ЁХУД ВАСИЯТНОМА НИМА?

Ҳаётимизда қариндош-уруғлар орасида мерос талашини билан боғлиқ муаммолар ҳам учраб туради. Мероснинг тақсимланиши эса мерос қолдирувчининг васияти билан боғлиқдир. Шу боис муклисларимизнинг васиятнома қандай ёзилиши ҳақидаги саволларига мутахассис жавобларини ҳавола қиламиз:

— Васиятнома фақатгина қариганда ёки оғир касал бўлиб қолгандагина ёзилмайди. Балки уни ёш ва соғлом бўлган пайтда ёзган маъқулроқ. Бу ҳужжатни ёзиш ҳар бир фуқаронинг шахсий иши, ёзиш муддатини белгилашга ёки мажбур қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Васиятнома барча нотариал ҳужжатлар каби нотариал идора ва фуқаро ўртасидаги маҳфий ишдир.

— Васиятнома қандай ҳолларда бекор қилинади ёки ўзгартирилади?

— Васият қилувчи исталган вақтда ўз васиятномасини тўлалигича бекор қилишга ёхуд унда мавжуд бўлган айрим васият фармойишларини янги васиятнома тузиш орқали бекор қилишга, ўзгартиришга ёки тўлдиршга ҳаққи.

Васиятнома васият қилувчи томонидан ёки васият қилувчининг ёзма фармойишига биноан нотариус ёхуд бошқа мансабдор шахслар томонидан унинг барча нусхаларини йўқ қилиб ташлаш йўли билан бекор қилиниши мумкин.

Янги васиятнома тузиш орқали олдин тузилган васиятнома тўлалигича ёки унинг кейинги васиятномага зид бўлган қисми бекор қилинади.

Агар васият қилувчи томонидан кейинги васиятнома ўз навбатида бекор қилинган ёки ўзгартирилган бўлса, янги васиятнома тузиш орқали тўлалигича ёки қисман бекор қилинган олдинги васиятнома қайта тикланмайди.

Саволларга Кўқон шаҳридаги хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ўткиржон АШУРАЛИЕВ жавоб берди.

Ўша куни жажжи сумкачангдан ён дафтарча топиб олдим. Уни очишим билан қутилмаган сўзларга қўзим тушгани учунми, анча довдираб қолдим. Ахир... Хозирданок сенинг ёмон кўрган инсонларинг борлигига ишонгим келмасди. Унда катта-катта ҳарфлар билан «менинг ёмон кўрган инсонларим», деган ёзув — қайд турарди. Наҳотки, хозирданок мурғаккина қалбингда ёмон кўриш, қимдандир нафратланиш туйғулари пайдо бўлган бўлса? Бу меҳрсизликнинг илдизлари қайда экан?..

«СЕНИ ЯХШИ

КЎРАМАН, ҚИЗИМ!»



... Ушанда ҳали эндигина бир ярим ёшда эдинг. Ҳатто барча сўзларни ҳам яхши гапира олишга улгурмагандинг. Мен эса сени аллақачон катта бўлиб қолгандай тасаввур қилдим, сенга укангни ишониб топширдим. Унга овқат беришга уриниб кўрганг учун сени чунонам урдимки (ҳозир шу ёшдаги болаларни кўрсам, ўзимдан нафратланиб боравераман, ахир улар ҳали гўдак-ку), қўлларим оғриқдан толиб қолганди. Ахир, сен укагинангни яхши кўрганг учун шундай қилгансан-ку! Буни мендай жаҳл отига минган аёл қаёқданам билсин? Меҳрнинг иккига ажралганини ушанда сезганмидинг? Нигоҳларингдаги онанга қадалган ҳайрат ҳали-ҳануз кўз олдимда.

Ҳамма эътибор сенда бўлгани учун доим хушчақчақ юрардинг. Аммо уканг туғилди-ю, чақалоққа қадалган эътиборлар сени бифарқ қолдирмади. Аллақандай, ёлғизланиб қолгандай ҳис қилдинг ўзингни. Йиғламадинг, кулмадинг — фақат мурғаккина кўзларингда чуқур маъюслик пайдо бўлди, холос. Буни биз қизганиш деб номладик. Аслида ҳали анча меҳрга ташна болани бирдан бу туйғудан мосуво қилиб қўйиш болалар туғул, катталарни ҳам анча жароҳатлаб қўйиши ҳақида ўйлаб кўрдикмикан?..

«Сиз мени яхши кўрмайсиз!» Тилинг бурро-бурро бўлиб чиққанида эса очикдан-очик менга шу сўзларни такрорладинг. Ич-ичимда бундай ҳолнинг юзага келишига ўзим айбдорлигимни ҳис қилсам-да, сенинг олдингда ўзимни оқлай бошладим. Лекин бу учун бир неча дақиқалик оқловлар эмас, йиллар давомида кўнгилда тўпланиб қолган ҳислар муҳимроқлигини тушунмаганимканман?..

Энди эса ўйлаб қоламан: «Ахир у қачон бола бўлган?!» Бир ярим ёшидан бери унга укасини ишониб топшириш, унинг кичиклигини тинмай таъкидлаётгани ва бу таъкидларни доимий равишда эшитавериш унга осон кечмагандир?

Ушанда дугоналаринг билан кўчада ўйин ўйнаётгандинг. Ишдан келаётганимни кўриб, узоқдан югургилаганча келдинг: «Ойижон!». Мен эса сочингдаги тўгноғичинг қийшайиб қолганини

кўриб, жажлим чиқди. Ва сенга «кап-катта қизсан-ку, қачонгача алвастига ўхшаб юрасан!», дедим барча дугоналаринг ёнида изза қилганча. Унга бир ярим ёшидан бери ўқтириб келинаётган, «сен каттасан» ибораси ростдан ҳам хаёлимда муҳрланиб қолган, у энди тенгдошларидан анча улғайиб қолгандай тасаввур уйғотарди, хаёлимда.

Яна бир куни уйимизга талайгина меҳмонлар келадиган бўлишди. Сен ҳам энди кап-катта қиз сифатида менга кўмак бера бошладинг. Бундан хурсанд эдим, ахир ёнганганда ёрдამчи улғаяётгани ҳар бир онани хурсанд қилади-да. Сен тобора ўзинга ишониб борардинг, энди биллур, сал оғирроқ идишларни ҳам таший бошладинг. Мен бундай қилмаслигини ўқтирдим. Йўқ, буням эглайман, дединг. Аммо... Нима бўлди-ю, авайлаб юрган биллур идишим ерга тушиб кетди. Сен чўк тушганга бақариб йиғлай бошладинг. Аввалига сени уришмоқчи бўлиб, важоҳат билан уйга кираётгандим, аммо сенинг кўзёшларинг олдингина йиғи эмасди. Унда кўркүв, уят, хижолат — ҳамма-ҳаммаси муҳассаб эди. Энтикиб-энтикиб йиғладинг. «Кўй, йиғлама, майли, бир идиш синса-синибди-да» дедим, секингина. Аммо баттар авж олдинг, ўзингни тўхта-толмасдинг. Билдим, кўпроқ ўзинга берилган ишонччи оқламаганинг учун йиғидан ўзингни тўхтаолмаётганингни. «Майли — дедим, бағримга олдим — ахир ҳали кичкинасан-ку». «Ялт» этиб менга қарадинг. Аммо кўзларингда ишончдан

кўра ишончсизлик мўлроқ эди.

Кейин меҳмонлар келишди. Одатда меҳмонлар фақат аёллардан иборат бўлса, гап барибир фарзандлар, оила мавзусида бўлаверади. Гарчи хаёлим меҳмонларни ҳурмат ва иззат билан қўтиб олиш бўлса-да, аммо ора-сира уларнинг сўхбатига ҳам қулоғим чалиниб қолар, гўёки уларга ҳамсўхбатдай ўзимни тутардим.

«Қизимни жуда ёш турмушга бериб қўйганимни энди англаяпман. Шунча йиллар уни бағримда асрабману, фақат қандай қилиб эсон-омонгина эгасига узатиб олиш ҳақида ўйлабман-а». Бу гаплар ўша пайт, бундан бир неча дақиқа олдин юз берган, идиш билан боғлиқ воқеадан сўнг менга таниш эшитила бошлади. Нафасим ичимга тушиб кетди. Аёл хўрсиниб-хўрсиниб гапирарверди. «Ҳозир ўзиям фарзандли бўлди. Гарчи уй ишларини, рўзгорини эплаётган бўлса ҳам унинг ўзи ҳали боладай-ку», деган фикр миямдан кетмай қолди.

«Кўйинг, бундай ташвиш ҳамма қиз узатган аёлларнинг бошида бор, ўйланманг, кўпчилик аввалида турли гумонлар билан қизимни эрта узатдим, деб ўйлайди. Аслида, бу соғинч, холос», дея юпатишди уни ёнидаги аёллар.

«Йўқ-йўқ, агар шундай бўлганида қанийди? Аслида у қизимга бошдан-бош Худо берган ризқини ҳам беролмаганиман-да. Шундан кўпроқ қуюнаман. Қизим бир ёшга етгач, иккинчи қизим туғилди. Унга бувиси қараган. Кейин эса уни катта бўлиб қолган дея, доим эъти-

боримни кичик қизимга ажратардим. Болаларнинг ораси кичик бўлса қийин экан-да. Энди бўлса ҳатто бирон жойда ўқитмай, бирор хунар ўргатмай турмушга узатворганимдан афсусдаман. Илоҳим бахтли бўлсин, ишқилиб».

«Вой, шундай баобрў жойдан қуда бўлдингиз, бахтли бўлади-да», яна юпатишга тушади аёллар.

Ёнимдагилар эса бир-бировига пичирлашди: «Ўзи-ку, тагини суриштирмай иккинчи хотин қилиб берди қизини. Кувё бўлмиш ҳатто биринчисидан расман ажрашмаган ҳам экан. Бунақа оилага бахт гоийбдан келармикан?»

Лекин менинг кўнглимдан қиринди ўтди. Бошқа гап-сўзлар қулоғимга ҳам кирмаганди. Қизалоғимнинг ёнига бордим, унга энди доим меҳрли бўлишимни, энди у ҳам БОЛА эканлигини таъкидладим. У эса «Укам мендан кичкина-ку, у ҳали бола», деди кўзларини пирпиратганча.

«Ҳа, лекин сен ҳам боласан! Фақат уканг сендан бор-йўғи бир ёшга кичкина, атиги бир ёшга!..» дедим, қизганимни маҳкам бағримга босдим...

Гулрух МҶМИНОВА

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

«ZENN-SHANS»

ИЛМИЙ ЎҚУВ МАРКАЗИ

Абитуриентларни олий ўқув юртиларига ўқишга кириш учун куйидаги фанлар бўйича тайёрлайди: кимё, биология, она тили ва адабиёти, математика, физика, инглиз тили, тарих, рус тили. Машғулотларни фан докторлари, фан номзодлари ва дарсчилар муаллифлари олиб борадилар.

Марказ дарсларинг юқори даражаси сифатига кафолат беради.

Назарий ва амалий машғулотлар махсус чуқурлаштирилган дастурлар асосида ҳамда «Ахборотнома»лар, имтиҳон нариналарга бўйича ўтказилади. Ҳар бир фан ҳафтаига 3 марта 2 соатдан дарс жадалига киритилади. Марказдан барча зарур дарслик ва ахборотномаларни сотиб олиш мумкин.

Машғулотлар сентябр ойдан бошлаб 1 августгача 11 ой давом этади. Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Бизнинг абитуриентларимиз: 2006 йилда - 85%, 2007 йилда - 92%, 2008 йилда - 99% ўқишга қабул қилиндилар.

Натижалар билан марказда танишиш мумкин. Шунингдек, ушбу илмий ўқув марказида рус ва инглиз тилини ўрганиш курслари ҳам бор.

МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 2-мавзе, 14-а уй (9 қаватли бинонинг 1-қавати).

Мўлжал: Юнусобод, «Универсам» бекати, «Юнусобод» бозори қаршисида.
ТЕЛЕФОНЛАР: 8(371) 212-17-67, 212-34-80. **ФИЛИАЛ:** Жиззах вилояти, Фаллаорол тумани, «Мустақиллик» кўчаси, 39-уй.

Пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларига беминнат хизмат кўрсатиб, уларнинг узоғини яқин, оғирини энгил қилиб келаятган Тошкент шаҳридаги 2519 - автожамланма давлат корхонаси маъмурияти «Д» тоифали ҳайдовчилар ҳамда чиптачиларни

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ!



Ойлик маошлар қуйидагича:
Ҳайдовчилар учун **550 000** дан юқори.
Чиптачилар учун эса **220 000** дан юқори.

Куйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Авайхон кўчаси, (собик Иркутск) 20-уй.
МЎЛЖАЛ: Корасув 6. **ТЕЛЕФОН:** 266-38-31

Шунингдек, автожамланма қошида ташкил этилган махсус ўқув курсида «Д» тоифали ҳайдовчилар ҳам тайёрланади.

Ўқиш муддати 6 ой.

Ҳайдовчилик курсларида ўқишни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:

1. Паспорт кўрсатилди ва 2 та нусхаси тақдим этилади.
2. Ҳарбий билет (нусхаси тақдим этилади).
3. 3x4 сурат (10 дона)
4. Тиббий маълумотнома (3-сон шаҳар клиник шифохонаси)
5. «В», «С» тоифали ҳайдовчилик гувоҳномалари (нусхаси) албатта тақдим этилади.

Илгарилари қай бир туғруқхонага бормайлик, барча чақалоқларни йўрғакда, яъни оёқ-кўлчалари боғланган ҳолда кўрардик. Лекин ҳозирда ундай эмас. Гўдакларга кийимчалар кийгизилган тарзда эркин ётганига ғувоҳ бўлаяпмиз.

Шу ўринда бир ҳақли савол туғилади. Нега қадим-қадимдан энди туғилган чақалоқларни йўрғаклаш усулига ҳозирда чек қўйилган? Ушбу саволга ойдинлик киритиш мақсадида Республика ихтисос-

ҳамма нарсани тушунади.

— Йўрғак боланинг суяк тўқималарига ҳам таъсир кўрсатадими?

— Албатта, чақалоқнинг оёқ-кўллари тортилиб боғлангандан сўнг суяк ривожига ҳам анча-мунча зарар етиши мумкин. Ҳозирда баъзи чақалоқлар туғма дисплазия билан туғилмоқда. Афсуски, кўпчилик оналар буни тушунишмайди ва йўрғаклаш натижасида бу касаллик янаям кучайиб кетади. Оқибатда боланинг оёқларини гипс

ЁШ ОНАЛАРГА МАСЛАҲАТ

майди. Баъзи тадқиқотчиларнинг фараз қилишича, туғилгандан кейин ишга тушадиган функцияларни организм аввалдан ривожлантиради, машқ қилдиради. Чақалоқ ёруғ дунёга келгач, ҳаётининг дастлабки ҳафталарида кўп (суткасига деярли 20 соат) ухлайди. Бироқ у уйқусида ҳам ҳаракатсиз ётмайди — гоҳ чўчиди, гоҳ лабларини қимирлатади, баъзан жилмаяди ёки

ҲАР ОИЛА ЭЪТИБОРДА

Аҳоли ўртасида бирламчи касалликларни эрта аниқлаш, оилаларнинг тиббий саводхонлигини ошириш, аёллар ва болалар саломатлигини ҳимоялаш бугунги кун тиббиётчиларининг зиммасига улкан масъулият юклайди. Шу боис кўпгина оилавий шифохоналарда умум-амалиёт шифокори тизими йўлга қўйилди. Бу эса биргина шифокорнинг ўзи ҳар бир оилга ҳам терапевт, ҳам педиатр, ҳам акушер-гинеколог сифатида хизмат кўрсата олади. Шу боис шифокор кўпга соҳаларга ихтисослашиши, изланиши тинмай меҳнат қилиши, билим ва малакасини ошириши керак. Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 22-

ТИББИЁТ



оилавий шифохона ходимлари эса 60.000 мингдан зиёд аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатяптилар. Бу ишда олий тоифали умум-амалиёт шифокорлари Н.Собирова, Ф.Юсупова, шунингдек, олий тоифали ҳамширалар Ш.Валижонова, М.Асқароваларнинг хизматларидан кўпчилик мамнун. Клиник ва биохимия лабораториясида эса УЗИ, ЭКГ, Р-графия хизмати йўлга қўйилган. Хуллас, тиббиёт фанлари номзоди Г.Бўриходжаева раҳбарлик қилаётган бу жамоа шифокору ҳамширалари аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини яхшилаш борасида тинмай изланмоқдалар.

Муслим ВАЛИЖОНОВ.

ЙЎРГАКМИ ЁКИ КЎЙЛАК?

лаштирилган илмий-амалий марказининг бўлим бошлиғи, тиббиёт фанлари номзоди, олий тоифали шифокор, неонатолог Саида Юсупова билан суҳбатда бўлдик.

— Ҳақиқатан ҳам, «Она ва болани муҳофаза қилиш дастури»га асосан барча туғруқхоналарда чақалоқлар йўрғаклашдан «озод» қилинган. Аксинча, гўдак туғилиши биланоқ онанинг кўксига тутилади. Сўнг боланинг оёқ-кўллари боғланмасдан, эркин ҳолда ётади. Бунга асосий сабаб — бола ҳаракатланганда нафас олиши енгиллашади. Айниқса, ой-кунига етмай туғилган чақалоқларда сурфактант тизими сустроқ бўлади, шу сабаб уларнинг ўпка ривожланишида, нитросиндромларнинг камайиши кузатилади. Бола эркин ҳаракатланишининг яна бир афзаллиги шундаки, чақалоқ ҳаракатланганда ўз-ўзидан ташқи муҳитга нисбатан сезувчанлиги ошади. Оёғи ёки кўлчалари бирор нарсага тегиб кетса, бу бевосита миёга таъсир ўтказиши. Ташқи муҳитга нисбатан нерв системаси, тушуначаси ошади ва фикрлаш қобилияти кенгайиши. Чақалоқ билан ҳатто суҳбатлашиш, унга рангли ўйинчоқлар кўрсатиш керак. Чунки бола

қилишга тўғри келади. Суякларнинг қийшайиб ўсиши эса оёқларнинг Х ёки



О кўринишга келиб қолишига сабаб бўлади. Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтиш лозимки, бола бешикда ёки йўрғакда кўп ётса, бу бевосита унинг куракчалари ёпишиб қолишига сабаб бўлади.

— Шифокор чақалоқни йўрғаклашга тавсия қиладиган ҳолатлар ҳам борми?

— Маълумки, бола она қорнидалигидаёқ ҳаракатда бўлади. У ҳатто эмиш ҳаракатларини қиладди, бу онага сезил-

қошларини учиради, йиғламсирагандек афтини буриштиради. Буларнинг ҳаммаси нормал реакция ҳисобланади. Гўдак икки-уч ойлик бўлганда эса уйқусида чўчидиган бўлиб қолади. Бироқ кичкинтой деярли ёшига тўлгунча қадар уйқусида чўчиб туриши, кўлчаларини бирданга ёзиб юбориши мумкин. Бола чўчиб кетиб, ухлай олмаслигидан хавотир олган она унинг кўллари ни маҳкам боғлаб қўяди. Бу нотўғри. Яхшиси, бола ўта кўзгалувчан бўлса, у ухлаб қолгунча қадар оғзига сўргич солиб қўйиш мумкин. Агар болага бирор тақиллаган овоздан, чиқроқ ёқилиши ёки унинг ётган ўрнига бирор кишининг энгашиб қарашидан, тез-тез ва қаттиқ чўчиб тушаверса, бу унинг нерв системаси ҳаддан зиёд кўзгалувчан эканлиги, шунингдек, гўдакда рахит касаллиги бошланаётганидан дарак беради. Бундай ҳолатда эса албатта невропатолог тавсиясига биноан болани маълум бир қисқа муддатга йўрғаклаш лозим бўлади.

«Оила ва жамият» мухбири Барно МИРЗААХМЕДОВА суҳбатлашди.

«ESPERANZA-PEARL»

ЎҚУВ МАРКАЗИ

сизни қуйидаги йўналишлар бўйича ўқишга таклиф қилади:

1. «Тиқиш-бичиш» ва «Моделлаштириш» — 3 ой (бошланғич 4 ой).
2. «Замонавий парда ва чойшаблар» — 3 ой (янги услубда).
3. «Астарли костюм-шим ва пальто» — 2 ой.
4. «Бисер» — 2 ой (мунчоқ билан ишлаш).
5. «Сунъий гуллар» — 1 ой (матолардан гул ясаш).
6. «Тўқувчилик» — 3 ой.
7. «Уй ҳамшираси» — 3 ой.
8. «Инглиз тили» — 3 ой (бошланғич 4 ой).
9. «Турк тили» — 3 ой.
10. «Рус тили» — 3 ой (бошланғич 4 ой, абитуриентларни ўқишга тайёрлаш 10 ой).
11. «Математика» — 3 ой (абитуриентларни тайёрлаш 10 ой).
12. «Компьютер» — 2 ой (Loner-XP, Msoffice-XP, Professional, WinWord, Excel, Power Point, Paint).
13. «Интернет» — 1 ой.

Ўқишга қабул ҳар куни соат 9⁰⁰дан 19⁰⁰ гача.
Сертификат берилади.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, «Юнусобод даҳаси, 3-мавзе, 23-уй, 56-хона.

Тел.: 221-80-74, 709-29-13

Мўлжал: «Юнусобод» деҳқон бозори, «Зиёда» кафеси ёнида.

«КАТТА ТАНАФФУС» ЎҚУВ МАРКАЗИ

қуйидаги курсларга таклиф қилади

- Уйғур ва европа таомлари, пишириқлар, салатлар, таомларни безатиш
- Юмшоқ ўйинчоқлар ясаш
- Тикувчилик
- Оргами (қоғоздан ҳар хил шакллар ясаш)

- Болалар учун (7 ёшдан 16 ёшгача)
- Олий ўқув юрларига тайёрлов курслари
- Сўзлашув курслари (English club)
- Рус тили (грамматика + сўзлашув)
- Хитой тили (грамматика + сўзлашув)
- Компьютер курслари

- Бисер тиқиш ва каштачилик

- Шаҳмат ва шашка курслари

- Рассомчилик

- Уй ҳамшираси

- Тукувчилик

- Инглиз тили (грамматика + сўзлашув, абитуриентлар учун, TOEFL)

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ

3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларни рус ва ўзбек мактабларига

ТАЙЁРЛАШ

- МАТЕМАТИКА

- ЁЗИШ

- ЎҚИШ

- ИНГЛИЗ ТИЛИ

- МАНТИҚ (ЛОГИКА)

- ЭРКИН МАШҒУЛОТ



МАНЗИЛ: Чилонзор 5, 28-уй, 1-хонадон, Метронинг «Хамза» бекати,
МўЛЖАЛ: «Спорт моллари» магазини. ТЕЛ.: 754-30-14, 273-19-09

Табиб ОТАБЕК МИРЮНУСОВ

беморларни кафтидаги биоқувват ҳамда сувни қувватлантириш орқали самарали даволайди

МУОЛАЖАЛАРДА:

→ Жигар хасталиклари: гепатит «С», гепатит «Б», циррознинг бошланиши яхши даволанади;

→ Ошқозон-ичак, ўт пуфағи, қора талоқ касалликлари;

→ Буйрак, жинсий аъзолар шамоллаши: буйрак ва тухумдон кисталари, простата беши шамоллаши яхши тузалади;

→ Гижжа, лямблялар ариб, теридаги оқ доғлар кетади;

→ Умуртқа чурраси, бел ва оёқ оғриғи, бод, артрит, полиартрит, бўйин ва елкада, тиззада туз йиғилиши сингари хасталиклар;

→ Юрак, қон-томир хасталиклари, қон босими, инсультдан кейинги тикланиш даври ва асаб касалликлари яхши даволанади;

→ Бўй ўстириш;

→ Бўқоқ касаллигининг ҳар қандай тури самарали даволанади;

Отабек Мирюнусовнинг «Халқ табobati маркази» Ўзбекистон халқ табobati академияси томонидан берилган №40-ғувоҳнома асосида фаолият олиб боради.

Табиблар реестрида 1992 рақам билан қайд этилган.

Беморлар ҳар куни соат 9.00 дан 12.00 гача қабул қилинади.

Қабул кунлари душанбадан шанбагача.

Мурожаат учун телефонлар: (+99897) 750-92-57
(+99894) 607-67-36

Зайнаб бирга ишлайдиган ҳамкасаба аёлларга ҳавас қиладди. Улар эрларнинг меҳрибончиликлари ҳақида тўлқинланб гапириб қолишса, у мунгайиб қолади. Секингина даврани тарк этади. «Нега мен улардай бахтли эмасман? Ҳаққим йўқми? Умрим шу залда, гўё ёқтирмаган таомини ейишга мажбур одамдай, мазасиз ўтаверадими?» деган саволлар гирдобда қолиб, ўқиндан кўзларида ёш ҳалқаланади.

Бориб, аламини болаларидан олади. Эри уйга келмай қолса, қувонади. Бир кеча бўлса ҳам, туркини кўрмаганидан севинди. «Шуям ҳаётми», — дейди ўз-ўзига тўнлари уйкуси қочиб, ҳаёлларга берилар экан.

Ахйир, бу кўнгли алагда аёлни шайтон чинакамига йўлдан урди. Уша кун ҳамкасби Латофат опанинг «гап» бериш навбати эди. Кўплашиб боришди. Икки хонага дастурхон тузалибди. Бири улар учун, иккинчиси эса Латофат опани эрининг ишхонасидагиларга. Зиёфат жуда қуюқ ўтди. Эркаклар ичида бир-иккита шўхроғи бор экан, аёлларга ҳам гап ташлаб туриш-

эсласам, баданимда чумоли ўрмалагандай бўлади.

— Кўйсангиз-чи, хотинидан кўрқадиган эркакка ўхшамайсиз сирам.

— Йўқ, рост айтаяпман, кўрқаман, ўлгудай кўрқаман, ишонмайсизми?

Зайнаб жавоб тариқасида бошини сарак-сарак қилди.

— Сездирмайман, холос, — деди Қаюм. Кейин негадир хомуш тортгандай: — Болалар борлиги учун чидаб яшаймиз-да, — деди.

Зайнаб ҳаётда илк бор дарддошини учратгандай, юраги ғалати бўлиб кетди. Унга раҳми келдими ёки далда бергиси келдими, кўнглини очди:

— Битта сиз эмас, ҳаммаям шунанга. Билмадим, биз қачон ўзимиз учун яшаймиз? Ёки шундоқ ўтаверамизми оила, бола-чака деб? Нега дунёга келдик? Нега кўнглидагидай яшашга ҳаққимиз йўқ? Билолмайман мен ҳам...

— Севишиб турмуш қурган

яқинлашди.

Кунлар ўтаверди. У Қаюм билан тез-тез учраша бошлади. Энди бутун ҳаёлини у билан дийдор кўришиб банд этган, бу иши хато ва азоброғи гуноҳ эканини идрок этолмасди. Назарида, ҳаётга эндигина мазмун киргандай, анчадан буён излаб юрган бахтини топгандай эди.

— Қаюм ака! — деди бир куни кўнглидаги истагидан сўз очиб, эркаланганча Зайнаб.

— Нима дейсан, жоним? — Қаюм унинг юзидан ўлиб қўйди.

— Битта алоҳида уй олинг, бир хонали бўлсам майлига. Эрим... билан ортик бирга яшолмайман...

— Оламиз, озгина шошмай тургин. Бир-иккита мўлжаллаган ишларим бор. Ушлар бўлсин, сен айтмасанг ҳам, ўзим ўйлаб юрибман. Фақат озгина фурсати бор.

Зайнаб энди чинакамига ўз уйида омонат одамдай эди. Бо-

фарига кетган, она... омаддан сармаст эди. Болалар мунгайиб тунни ўтказиб, тонгни қаршилашди...

Келишувга асосан, Қаюм пойтахтга бориб, ютукни олиб келади деган бўлди.

— Машинани сотамиз. Менимча, ўша эрининг ўзидаёқ харидорлар топилади. Машина фалон миллион сўм. Бу пулга икки хонали «дахшат» квартирасотиб олса бўлади, тушуняпсанми?

— Бирга борайлик Тошкентга? — Зайнаб Қаюмга ёлворди.

— Сен бу ерда қолиб, сотиладиган квартираларни суриштириб тур. Мен келишим билан сотиб оламиз. Фақат ҳеч кимга чурқ этма. Мабодо, эринг ё унинг бирор ақини билиб қолишса, сени тинч қўйишмайди. Кейин шунча йиллик обрўйинг ҳам бир пуллик бўлади. Сен эринг билан орани очик

БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР

турса-да, ўзини босишга уриниб.

— Бу билан нима демоқчиси? Қариб қолдиган демокчимисиз? Мен тенглар учун ҳаёт энди бошланяпти, билдиргимиз? Агар яна билишни истасангиз, мен у билан...

Зайнаб гапи тугар-тугамас юзига тушган муштдан ағдарилиб тушди.

— Номард! Кучинг аёл кишига етдими, ҳе...

Навбатдаги мушт унинг оғзибурнини қонга тўлдирди.

— Йўқол! Бугундан бошлаб, бу уй сенга — харом! Кўзимга кўринма!

Зайнаб эрини ҳеч қачон бунақа алфозда учратмаганди. Доим мулоийм супурги эди-ю, нима жин урди? Ҳали унга кўрса-тиб қўяди. Қаюм акаси қайтиб келсин. Бир куйдирсинми?

Зайнаб бир гапдан қолмади, эри уни дўппослашдан ўзини тиёлмади. Бир зумда кўни-қўшиллар йиғилди. Уларни ажратиб қўйишди. Зайнаб истихोла қилмасди энди, эрини лан-довурликда, ҳатто ...ликда айблади. Бошқасини, ундан зўри-ни топганини таъкидлашни ҳам унутмади.

— Ҳай, қизим, уялинг-е, капкатта аёл! Бунақа гапларни гапирманг. Уят бўлади-я, — деди ёши кексарақ онахон Олима буви. У Зайнабни бу гапларни эрига ачиқ қилиб гапираяпти деб ўйларди. Афсуски, бу айна ҳақиқат эди...

Шуллас, Зайнаб уйини ташлаб чиқиб кетди, аниқроғи, уйдан қувилди. Эри болаларни бермади. Қизини ҳам.

— Сендай аёл қиз тарбиялашга ожаз, — деди ҳамманинг олдида.

Зайнаб дугонасиникидан паноҳ топди. Уч кундан кейин холасининг қизиникига борди. Кейин яна бир дугонасиникига. Бу кунлар унинг сарсонлиқдаги кунларининг деб-очаси эди. Акалари уйга қўймадилар. Миш-мишлар уларга ҳам етиб борган, сингилларидан қаттиқ ҳафа эди. Зайнаб ҳар куни уч-тўрт бор Қаюмнинг ишхонасида телефон қиладди. Ундан эса ҳамон дарак йўқ.

Орадан йигирма кун ўтди. Ишдан ҳам ҳайдалган Зайнаб энди шўхбаларга кўмилди. Изтироб чекиб юрган кунларининг бирда кўчада Қаюмни учратиб қолди. У яп-янги машина миниб олган, эндида бир аёл, хойнаҳой, хотини бўлса керак, унга қараб тинмай нималарнидир гапириб қуларди.

Зайнаб уларнинг ёнига қандай бориб қолганини сезмай қолди.

— Ёлғончи, номард! Мен сени деб нималардан воз кечмадим-а? Сен бўлса... Бер, машинанинг калитини! Бер, деяпман!

Қаюм Зайнабни кўриб, калов-ланиб қолди. Аммо бундай вазиятга аввалдан тайёрланган чоғи, унинг қўлларини силтаб ташлади.

— Кимсиз? Нега менга осиласиз? Мен сизни танимайман!

— Нега танимайсан? Мен сенинг ўйнашган ман-ку, манави машина менинг лотореямга чиққан ютук! Нима, унутдингми? — Зайнаб оғзидан оқ қўлиқ сачрати бақирар, атрақдагилар уни ақддан озганми, деб ўйлардилар.

— Таваб, бу аёл телбам, нима бало? Нималар деяпти бу?...

Қаюм Зайнабни бир силтаб, кетиб юборди. Чўккалаб қолган Зайнаб бошини чангаллаганча, ўқириб йиғлай бошлади. У бой берилган омадига қуонармиди ёки йўқотган бахти — оиласига? Буни фақат Яратган ва ёлғиз ўзигина биларди...

Шахло ТОШБЕКОВА

ди. Ҳатто бир-иккитаси улар ўтирган уйга кириб келди ҳам. Эркаклар келиши биланок, даврага файз киргандай бўлди. Қизиқ-қизиқ гапларни айтиб, аёлларни роса қулдиришди. Улар орасида айниқса, Қаюм дегани анча келишган, хушрўй, боз устига жуда гапдон экан.

Ҳеч ким зиёфат тугагини хоҳламади. Аммо начора, вақт алламаҳал бўлиб қолганди.

— Роҳила опа, бизнинг кўчадан ўтиб кетинг, қоронғи тушиб қолибди, кўрқаман, — деди Зайнаб улардан сал нарида яшайдиган ҳамкасб аёлга ялинганнамо.

— Вой, мен тез бормасам бўлмайди, Зайнабхон. Ҳўжайин нақд бошимда ёнғоқ қақади-я. Ана, ўғлимни жўнатибди велосипедда. Сиз билан пиёдалаб кетадиган бўлсам, қачон етаман? Сизга ҳам бирор ҳамроҳ топилиб қолар, хафа бўлмайсиз, — деди Роҳила опа шоша-пиша рўмолини бошқатдан ўраркан.

Зайнабнинг ҳаёлидан «энди қандай кетаман?» деган савол ўтиб, унга жавоб топгунича ҳам фурсат бўлмай, ёнгинасидан Қаюмнинг овози эшитилди.

— Мана, биз бормиз-ку, нега ўйланяпсиз? Машинада язиллашди обориб қўяман. Роҳила опани чангилмазда қолдириб кетамиз, қараб туринг, — деди бир кўзини қувлик билан қисиб кўраркан. Аёллар қийқаришиб қулишди.

— Зайнаб, эҳтиёт бўл, тагин обқочиб кетмасин, — деди улардан шаддодроғи.

— Шундай йигит агар мени олиб қочса, жон дердим. Лекин афсус, у мени эмас, Зайнабни ташлаб қўяман деди-да, — деди олтимиш беш ёшлардаги, нафақага чиққан бўлса-да, ҳамон ишлаётган бева аёл Назифа опа.

Ҳамманинг кўз ўнгида Қаюм Зайнабни илтифот билан машинасига ўтказиб олиб кетди.

— Аввал бизникига кирамизми-а? — деди йўл-йўлакай Қаюм орқа ўриндиқда ўтирган Зайнабга ўғирлиб.

— Нега?

— Кеч қолдим, хотин уйга киргизадими-йўқми? Шунга айтман-да, ўқоғ кўтариб кутиб ўтиргандир ўзим. Важоҳатини

мисиз? — Қаюм атай машинани секинлатди. Зайнаб буни сезса-да, индамади. У ҳам бу йигит билан бироз дардлашишни истарди.

— Қаёқда?

— Э-э, мен ҳам. Ойимлар топган қизга уйланаверибман. Ҳаш-паш дегунча тўртта туғиб олди. Мени ўзига иписиз боғламоқчи бўлган-да. Аммо кўнгли қургур нимадандир тўлмайди...

Шу тарика улар яқиндан танишиб олдилар. Алламаҳалда уйга қайтган Зайнаб эрининг ҳали ишдан қайтмаганини билди. Болалари ҳар жой-ҳар жойда ухлаб қолибди. Ўртадаги хонтахта устида чала ейилган шакароб юки ликопча ва нонлар, чўмичда сув турибди. «Гап» уйнаган, зиёфатдан тўйиб қайтган Зайнаб болаларини уйғотиб, бирор овқат тайёрлаб, егизини ўйламади ҳам. Фикри-ёди Қаюмда эди. Қандоқ келишган йигит! Одамнинг ичида нима гапи борлигини кўзларига қараб билиб олади-я. Гаплари ҳам маънили. Эрига ўхшаб тўнғилламайди. Тунд эмас, истараси ҳам иссиқ.

Зайнаб орадан икки кун ўтиб, бозорда Қаюмни учратди яна. Улар офтобда қатик ялашган қадрдонлардай, қуюқ сўрашишди. Иккиси ҳам бир-биридан ажралгиси келмаётганини сезиб турарди.

— Юринг, бирорта ошхонага кириб, бирпас ўтирайлик, бора-сиз-да, ўша томи қийшиқ уйингизга, — деди Қаюм Зайнабга.

— Йў-е, уйга боришим, ҳали овқат ҳам қилишим керак.

— Ошхонадан тайёр овқат оламиз, олиб кетаверасиз. Шунга муаммоми? Ё мени учратганингиздан хурсанд эмасмисиз?

— Нега энди, ундай эмас, фақат...

— Унда кетдик!

Қаюм эътирозга ўрин қолдирмади. Улар машинага ўтириб, шаҳар чеккасидаги кафелардан бирига боришди. Зайнаб бу ерга бегона эркак билан келганидан сираям афсусланмади, аксинча анчадан буён наққан-ги мазали таом еб, шундай жойларда ўтирмагани учунми, кеттишга шошилмади.

Қаюм билан оралари анча



лаларига ўта бефарқ, юмушларини қўл учиде бажаради. Ҳатто Қаюм акаси уй олса, эри билан ажраса, нималарни олиб кетишини чамалаб ҳам қўйди.

Кечаю кундуз мана шу сўра-тига етказишни худодан сўрай бошлади.

Бир куни бозорда айланб юриб, лоторея сотаётганларга кўзи тушди. Кўнглида лоторея ўйнаш истаги пайдо бўлди. Иккитасини сотиб олди. Сотётган йигит берган танга билан аста чипталардан бирининг белгиланган жойини ўчирди. Биринчисига ўзининг пули чиқди. Иккинчисига...

Зайнаб ҳушини йўқотай деди. Машина! Бир зумда атрофини одамлар ўраб олишди. Нима қилишни билмай, калов-ланиб қолди Зайнаб.

— Опа, бирор яқинингизни чақиринг, телефонда, — маслаҳат берди сотувчи йигит.

— Ҳа-ҳа, тўғри айтасиз! — Зайнаб сал наридаги телефон томон югурди. У... Қаюм акасининг ишхонасига қўнғироқ қилди. Қаюм ютукни эшитиб, қувончдан бақириб юбораёзди. Кўз очиб юмгунча, Зайнабнинг ёнида ҳозирю нозир бўлди.

Шу куни... Қаюм билан ютукни «қовишди». Шу куни... Зайнаб уйига бормади. Ота хизмат са-

қилиб тур. Кейин ачиқ ичкадай чўзилавермасин бу иш.

Зайнаб рози бўлди. Бир ҳисобда Қаюмнинг гаплари ҳам тўғри. «Наҳотки, — терисига сиймай қувонарди Зайнаб, — наҳотки, орузларимга етишсам? Наҳотки, энди кўнглимдагидай яшасам?! Қандай омади қулган аёлман-а!» Ана, энди кўради лаллайган, сўтак эрининг ахволлини. Болаларми? Ҳўш, иккита ўғлини эрига қолдиради. Қизини ўзи билан олиб кетади. Дастёр бўлиб қолган. Уғиллари бир кунини кўриб кетишади. Энг муҳими, энди алоҳида уйи бўлади. Қаюм акаси билан яшайди. Хотини бир марта жанжал қилиб келади, икки марта келади, ахйир чарчайди...

Қаюмнинг лотореяни олиб, Тошкентга кетганига икки кун бўлди. Зайнаб дақиқаларни санаб, уни сабрсизлик билан кутаяпти. Бу орада эрининг олдида масалани кўндаланг қўйди. Ажрашаман деди. Эри сабабини сўрагани, тап тортмай:

— Бошқа бир одамни севиб қолдим, — деди.

— Ақлингни йиғ, ўттиз бешдан ошган аёлсан, болаларнинг бўйи етиб қолди. Ҳеч бўлмаса, аёл-юртдан андиша қил, — деди эри ғазабдан мушларини туғиб




ОЛАМ

"@" — "КУЧУКЧА",
"ЧУВАЛЧАНГ",
"УХЛАЁТГАН
МУШУКЧА" ВА...

Компьютердаги "кучукча" (@) белгиси ёки соддароқ қилиб айтганда "а" ҳарфи ва унинг устидаги айлана сизга таниш. Келинг, унинг мухтасар тарихи билан ҳам танишиб кўйинг.

Бу белги ўрта асрларда масихий руҳонийлар томонидан ўйлаб топилган. Улар латин тилида "ad", яъни "га" келишигини ёзма манбаларга туширганида "d" ҳарфининг "думи"ни айлантириб қўйишган экан. Демак, бу ҳамма ўйлаган "а" ҳарфи устидаги айлана эмас, балки "d" ҳарфига тааллуқли белги ҳисобланади.

Кейинчалик, XV асрда "@" белгиси яна пайдо бўлди. Испан савдогарлари бу белгини оғирлик ўлчов бирлиги си-



фатида ифода қилишган. Бу белги "кучукча" эмас, "арроба" ("arropa") деб аталган. Бир "@" белгиси ёки "arropa"-нинг оғирлиги 11 кг 52 г тенг бўлган. Ўша вақтларда бу белги асосан чорва маҳсулотлари ва вино сотиб олишда ифодаланган. Жамиятлар тараққий этиши билан "кучукча" белгиси ҳам доллар (\$), фоиз (%) белгилари каби ҳисоботларда кўзга ташланадиган бўлди.

Бу белгини машҳур қилган киши аслида Рэй Томлинсон ҳисобланади. 1960 йил жаноб Томлинсон Би-Би-Си технология компаниясини текширувдан ўтказётганди. Бу вазифа олимга АКШ хавфсизлик хизмати томонидан топширилган бўлиб, унга кўра Рэй Томлинсон ARPA NET тармоғи орқали электрон мактубларни назорат қилиб бориши керак эди. Компьютерда бир хил файллар кўпчилиги кузатувни фаол олиб боришга ҳалақит берар эди. Устига-устак, ўша пайтда мактуб ким томонидан ёзилганини ҳам аниқлаш мушкул эди. Томлинсон электрон мактуб юборишнинг янгича услуби юзасидан бир ярим йил изланиш олиб борди. У электрон мактуб орқали уч муҳим белгини: исм, белги ва мактуб қаердан юборилганини аниқлаши зарур эди. Бу уч саволга ҳам ягона белги — "арроба", яъни "кучукча" белгиси жавоб бўлди.

"@" белгисининг пайдо бўлиши ўтган асрнинг 80-йилларида хусусий компьютерлар савдосига ижобий таъсир кўрсатди. "Кучукча" сўзи одамга бироз ноқулайдек туюлади. Аслида компьютердаги "@" белгиси руслардагина "собачка", яъни "кучукча" дейилади. Корейликлар бу белгини "шилликкурт", финлар "ухлаётган мушукча", венгерлар "чувалчанг", хитойликлар "сичконча", шведлар "кулча нон" деб атайдилар.

Шундай қилиб, компьютернинг "кучукча" белгисини ихтиро қилган Рэй Томлинсон ҳозирда ўз кашфиётининг оммалашиб кетганидан мамнун ҳолда умр кечирмоқда.

Наргиза САРИМОВА тайёрлади.

Аёлни уйнинг фаришта янглиг бекаси деб иззатлаймиз. У билан хонадон файзли, у билан саранжому саришта, у билан кут-баракотли эканлиги аён ҳақиқат. Ва бу улкан уч вазифасиз жамиятнинг асосий бўғини оилани тасаввур қила олмаймиз. Аммо рўзгорни ғор деб қўйибдилар. Оилада битта эркакнинг топгани бу «табаррук ғор» эҳтиёжини қопломаслигини ҳам яхши биламиз. Аёл эса албатта бирор каттароқ идорада, ташкилотда ёки ишлаб чиқариш корхонасида ишлашга қодир. Чунки бу соҳада ҳам ўзини намоён қила олган.

СИЗ БОРСИЗКИ, ОЛАМ МУНАВВАР

МЕҲРИБОН, МОҲИРҲИ...

Анджон вилояти миқёсида ўтказилган нуфузли фестивалда ҳакамлар сафида иштирок этиб, қорасувлик бир онахоннинг икки сотихгина ҳовлисида амалга оширган тадбиркорлигига қўйил қолган эдим. Қарангки, торгина ҳовлида шу аёл ҳар мавсумда 200 дан зиёд қовоқ етиштирар экан. Пулиям чакки эмас. Тўрт туғина ошқовоқ ўсимлиги барча дөвраларга, сўритокка, кичикроқ омбор ва товуқ каттак томларига шундай таралганки, бу эса хонадонга тузуккина безак ҳам бўлган. Каттайган ошқовоқларга симтўр тутиб қўйган. Астойдил қаралгани шундоқ сезилиб турарди. Йилдан йилга тажрибаси ортган онахон илхожи борича энг яхши, харидорғир навларни экадиган, етиштирадиган бўлибди. Мавсум келиши билан мижозлар ҳам уйдан олиб кетишга одатланибди. Табиийки, онахон бу йомушлар учун кундалик саккиз соатдан ишламаган. Фақат бошқалардан фарқли ўлароқ кунт, ҳафсала, қандайдир фойдали иш завқи топа олган ўзида...

Олтинкўлнинг мен яшайдиган Офтобачек маҳалласида Жамила опа деган чевар аёл бор. У тиккан қўйлақлар кўпчи-

лик қатори менга ҳам маъқул келиб, доимий буюртмачиси бўлиб қолганман. Ҳар гал унинг хонадонига кирганимда бу ердаги саранжом саришталикка, айниқса, томорқасидаги дидлиликка ҳавас қилиб чиқарканман, ўз кўзимга ўзим ношуддек кўринаман.

Йил ўн икки ой Жамила опанинг томорқаси бўш қолмайди.

Кашнич, укроп, жамбил, райхон, лагмон кўкатлари, наврўз кўкатлари, ошқовоқ, кўк ловия... қўйингки, ҳамма нарса бор-да. Ҳар бирининг чегараланган кичик-кичик карталари олинган. Жўякларнинг ичида бирор марта бегона ўт кўрмаганман.

— Киши ҳоҳласа ҳамма нарсага улгурса бўлади, — деди у — гўзалликни, саришталикни ёқтираман. Кўпчилик тонгда туриб жисмоний машқ қилади-а, мен шу машқни белимга пахта тарадиган этакни бойлаб томорқани бир айланиб бажариб қўя қоламан. Ҳам машқ, ҳам саришталик, ҳам ишлов... бари бориб даромад деган гап.

Худди мана шундай саришталикни таниқли пахтакор Асалхон опа Расулова

шийпониди ҳам кўрганман. Қачон борсангиз шийпон ораста, сўриларга тўшақ солинган, атроф супуриб сув сепилган, шийпоннинг атроф гирди тўла турли сабзавотлар экилган, ўзига яраша гулзори ҳам бор. Ўз-ўзидан аёлнинг фаизи малохатиға раҳмат айтгингиз келади.

Бугунги кунда туман ёки вилояттагина эмас, бутун мамлакатга донғи кетган

Ўзбекистон Қаҳрамони Сиёсатхон опа Абдуллаеванинг шу даражага етиши ҳам ана ўша тадбиркорликнинг, меҳнаткашлик кўнту ҳафсаланинг натижаси эмасми?! Мени бир нарса қувонтиради. Сиёсат опа даласига қанча меҳр қўйган, унга фидоийлик кўрсатган бўлса, уйига фарзандларига ҳам шунча меҳр беролган. Уни бугун туману вилоят ахли яхши танийди. Албатта, бу обрў-эътибор ҳам меҳнати ортидан. Нурбек, Дурбек, Голибхон, Зумрадхон, Зилола, Элёр, Хуснора... Улар кўп, қай бири ўғли, қайсиниси бири набираю, қай бири келини, қизи... Опа учун бунинг фарқи кам, бари фарзанди, бари Абдуллаевлар сулоласи... Олтинкўлда эса бундай тадбиркор, меҳнаткаш аёллар оз эмас. Фермер Умида Эгамова, Манзура Усмонова, педагог Атирахон Маҳмадова, доришунос Ўғилхон Насиб-боева... санасак кўп. Бари тадбиркор, бари кунгли, ҳафсалали, фикрли, юқорида санаб ўтганимиз аёлнинг ун буюк вазифасини баҳоли қудрат уддалаётган аёллардир.

Замира РЎЗИЕВА,
«Оила ва жамият» муҳбири.

МУҲАББАТ ЎЛМАЙДИ

Қизнинг бўйлари баландгина, сочлари эса узун эди. У қорачадан келган, ёноғида нозик холи бор эди. Иسمى жисмига монанд — Дилбар. Унинг ўзига ярашган яна бир хислати маромига етказиб қўшиқ куйларди. Айниқса, «Бодом гуллари» ни. Унга бутун мактабдагилар «Бодом гуллари» деб ном қўйган эди. «Ким ўтиб кетди?» «Бодом гуллари»... Менимча, дунёдаги энг чиройли ном уники эди!

У менга ёқарди. Чунки ўз сингисидай мени яхши кўрарди. Ҳар гал ёнидан ўтиб кетаётсам, ё фартугим, ё сочимни тўғрилаб жилмайиб кўярди. Баъзида эса тўхтатиб «битта шеър ўқиб бер», дерди. Шундай пайтларда бутун юқори синфларнинг эътибори менга қаратилар, булардан эса қизариб, роса хижолат бўлардим. Лекин у менга барибир ёқаверарди. Айниқса, опам билан ҳар куни бир жанжаллашиб олган кезларимда, мен уни янаям кўпроқ яхши кўриб кетардим. Дилбардай опанг бўлса, деб ўйлардим алам билан. Мен ўшанда 6-синфда ўқир, улар эса битирувчи эди.

У ҳақда мактабимизда бир севги афсонаси юрарди. Қизни кўп йигитлар ёқтиришини билардим. Лекин тўсатдан унинг... исмли синфдошини ёқтиришини эшитиб қолдим! Энди уларнинг ёнидан ўтиб кетаётиб, аввал қизга, кейин йигитга термуладиган, уларни кузатадиган бўлдим. Турисини айтсам, муҳаббат қанақа бўлишини ўзим ҳам билмасдим. Севилганларни бошқалардан қандай ажратиб олишни ҳам! Шу сабабми, назаримда уларни бошқалардан ажратиб турадиган ҳеч қандай жиҳат йўқдай эди.

Бир куни мактаб ҳовлисида шошиб кетаётгандим. Чунки биз 6-«Б» лар билан мусобақага тайёргарлик кўраётган, мен гуруҳ бошлиғи эдим. Қўлимда Навоийнинг ғазаллар тўплами бор эди. Шу пайт уни дугонаси билан кўриб қолдим, икки қиз чақчақлашиб келишарди. Қарши томондан фотоаппарат кўтарган йигит



пайдо бўлди. Йигит уларни суратга олмақчи бўлди, қизлар жой танаб қолишди. Мен кўз қирим билан уларни кузатиб келаётгандим. Бир маҳал Дилбарнинг кўзи менга тушди. Ўгуриб келдида, «мен у билан расмга тушаман» деди шўх қилиб. Икки дугонанинг ўртасида мен ҳам қийшайиб суратга тушдим. Чиндан ҳам шошиб турганим учунми ёки нимадир ёқмаганими, қалламини бир томонга қийшайтириб қолибман. Юзимда норозинамо ифода бор эди. Қизлар эса хурсанд, мени кўлтиқлаб олишганди. Нимагадир ҳафсалам пир бўлиб кетди. Севилганлар ҳам шунақа бўларканми, ҳайронман. Дугонаси тугул мениям қўшиб суратга тушишига бало борми?! Бу менга бироз ғалати туюлди. Назаримда улар ўртасидаги муҳаббат эртаги гирт уйдирма, кимдир зерикчанга ўйлаб толган

ЎАБАДИЙ МАВЗУ

чўпчак эди. Ўй-фикрларимдан шу тобда ўзим қувониб кетдим, чунки менинг хаёлимда ҳам Дилбарга тенг келадиган йигит йўқ эди...

Йўқ, мен адашибман. Улар мактабни битиришди. Қиз тиббиёт билим юртига ўқишга кирди. Йигит унинг уйига совчи жўнатини ота-онасидан сўрай бошлади. Аммо ота-онаси қизнинг юраги нозик, фарзандли бўлиши хавfli эмиш, деб эшитиб, бунга норози бўлишди. Йигит роса тўполол кўтарди. Охири узоқ-узоқларга кетиб қолди...

Йиллар ўтди. Қизни бошқа кўрмадим. У олисларга, бир фан номзодига турмушга чиқиб кетган эди. У ҳақда бир оғиз ҳам гап йўқ! Унинг қандай келин бўлганини кўрмаган бўлсам-да, ўзимча тасаввур қилардим. Оппоқ, ҳарир либосдаги «Бодом гуллари». Қувноқ, хушумомила, оқила келин...

Йигит қайтди. У кеч уйланди. Мишмишларга қараганда, хотини ҳам Дилбарга жуда-жуда ўхшармиш!

Тасодифни қаранг, уларнинг ўн йиллик битирув оқшомида даврани олиб боришга мени таклиф қилишди. Мени улар — «йигит» ва «қиз» қутиб олишди! Буни кутмагандим, ҳайрат оғушида қолиб кетдим...

Даврани ҳам иккиси бошлаб беришди. Қиз ҳечам ўзгармаган, озгина йиллар нуқси урган холос. Унинг атрофида 4 яшар болакай тинмай югуриб юрар, у қилиб қўйгандек қизнинг ўзгираси эди!

Йигит ва қиз ёнма-ён ўтирар, тинмай, бир-бири билан шодон суҳбатлашмоқда эди. Улар бир умга гўё мактаб болаларига айлиниб қолган эдилар... Улар нигоҳида беғуборлик, самимийлик бор эди. Ҳар иккиси ҳам кўзимга жуда гўзал кўринди... Шу тобда шунчалар қувондимки, бошим осмонга етди. Шунчалар бахтиёр эдимки, нима учунлигини ўзим ҳам билмасдим...

Назаримда, қиз баҳорни ўз жозибаси билан безовчи нафис бодом гуллари каби даврага ҳусн бериб турарди. Йигит ва қиз нигоҳидаги меҳр эса муҳаббат ҳеч қачон ўймаслигини, асли тирикликни шу чиройли туйғунинг поклиги асраб туришини англаётгандек, эди гўё...

Холниса РАҲМОНКУЛОВА

Биласизми, машхур рессом **Пабло Пикассо** ҳақида унинг маҳбубаси Франсуаза Жило ўз эсдаликларида бундай ёзган экан: «**Паблонни эрталаб тўшадан турғизишдан оғирроқ иш йўқ эди. Ҳар тонгда у уйғонишни ҳамон: «Франсуаза, тўғриси айт, шифокорлар менда саратон бордингизни яширишпти-а? Мен яна неча йил яшашим мумкин экан? Қанча? Шифокорлар менга, ҳатто, виски ичиб туришга руҳсат берган бўлса-да, барибир, яқинда ўлсам керак... Шундай экан, жойимдан туриб ҳам нима қилардим?»**» дер экан.

Гёте эса, аксинча, ўз ҳаётига, ҳатто, оддий тумовнинг ҳам дахл қилмаслиги учун курашиб келган. Унинг фикрича, одамлар бирор-бир дарддан шу қадар кўрқашадикки, оқибатда ўзларини ўзлари шу касалга мубтало этиб қўяраканлар. У дўсти ва котиби бўлмиш Петер Эксер-

кермен қаллиғига аслида қанча ойлик олишини айтишга ҳам уялиб келган. Шўрлик киз эса токи севгилисига Эккерман машхур шоир бўлишнинг пушти паноҳида тўйга етадиган пул тўплағунича узо-о-оқ йиллар кутишига тўғри келган. Ваҳоланки, айна пайтнинг ўзида саксон ёшни уриб кўйган Гёте ун саккиз ёшли маъшукасини таъминлаб юрарди.

Диалектика назариясини яратган **Фридрих Гегель** ҳам бошқа даҳолардан қолишмайди. Бу аллома ўзи ижарада турган уй эгасининг хотини Христиана Буркхорд билан ошиқ-маъшўқ бўлиб қолган, бу аёл унга кўчқордек ўғил туғиб беради. **Аммо афсуски, манаман деган файласуф олимнинг шу ўғлига қолганда табиат дангасалик қилади. Бола зўрба-зўр савод чиқаради. Боз устига у жуда калтафаҳм бўлиб чиқади.** Шу боис буюк файласуф танишбиллиш қилиб бўлса ҳам ўғлини бир сав-

жойларини теп-текис қилиб йи-ғиштиришганми, шахсан назорат этиб борган экан.

Буюк шоир **Шиллер**-чи? У ўзининг буюк ва яғона муҳаббат ҳақидаги бебаҳо дostonларини ёзиб юрган бир пайтнинг ўзида қариндош опа-сингил бўлган Шарлотта ва Королина Фон Ленгефельдларга бир пайтнинг ўзида расман уйланиш ташвишлари билан ҳам жиддий овора бўлиб келган. **Нимасини айтасиз. Шоир, барибир шоир-да!**

Машхур эртақчи **Ханс Христиан Андерсен** бир умр жинни бўлиб қолишдан кўрқиб яшаган ва азбаройи қизиқувчанлигидан тез-тез жинниҳонага ҳам бориб турган.

Лев Толстойдек буюк иқтидор эгаси эса бир пайтлар аҳмоқона қоидага амал қилган: «**хотиндан сир яширмак даркор эмас.**» Ва шунга амал қилган ҳолда

МАШХУРЛАР ҲАЁТИДАН

«Вольтер яғонадир!»

Бу француз ёзувчиси ўз иқтидори қудратини жуда яқши биларди. Шу боис ўзини жуда қадрларди. Масалан, ундан бир гал «Сиз танқид қилолмайдиган ёки устидан қулмайдиган бирор нарса борми ўзи бу дунёда» деб сўраганларида, Вольтер шундай жавоб қилган: «Бор. Бу менинг ўзим».

Бир гал эса Пруссия қироли Фридрих II Вольтерни қайиқда сайр этишга таклиф қилади. Қирол билан саёхатга отланган ёзувчи қайиқнинг тешик эканлигини кўриб қолган, жон ҳолатда кирғоққа сакраб, қайиқдан тушиб қолади. Қирол унинг бу хатти-ҳаракатидан қаҳ-қаҳ отиб қулиб юборибди:

— Вой-бў, ўз ҳаётингиз учун намунча кўрқмасангиз? Мана, мен қирол бўла туриб кўрқмадим-ку.

Вольтер унга совуққина жавоб қилибди:

— Албатта-да, ҳазрати олийлари! Ахир бу дунёда не кўп — сизга ўхшаган қирол кўп. Вольтер эса фақат битта!

Николай I ва шинелли томошабинлар

Айтишларича, Россиянинг бу подшоҳи у қадар саводли бўлмаган. Аммо шунга қарамай, айтадиган гапини ўйлаб гапирадиганлар тоифасидан экан. Бир гал Парижда Екатерина II ҳаётига доир пьеса сахналаштирилибди. Табиийки, анча-мунча демократик давлат ҳисобланган Францияда намоийи қилинадиган бу пьесада Екатерина II енгилтабиат аёл сифатида талқин этилиши керак эди. Николай Биринчи бу ҳақда элчисидан эшитиб, фаранг давлатига ўз норозилигини билдирибди. Шунда Франциядан, «биласизми, бизнинг мамлакатда сўз эркинлиги бор ва шу сабаб бу пьеса қолдирилмайди» деган жавоб келган.

Николай I эса уларга шундай жавоб қилибди:

— Жуда соз! Унда ушбу спектакль премьераси ҳақиқий аншлаб бўлиб ўтиши учун мен сизларга уч юз нафар шинелли томошабинни йўллайман.

Подшоҳнинг бу қарори Парижда этиб келган заҳоти театр намоийиши бекор қилинган экан...

Дилфуза ЎРОЛ қизи


ТАҚДИР ЭРКАТОЙЛАРИ



Пабло Пикассо



Густов Флобер



Оноре де Бальзак

манга: «**Имоним комил, менинг мавжуд бўлишимга ажал ҳам нуқта қўя олмайди.**» деб таъкидларди. Аммо қизиги, у ўзининг ана шу «мавжуд бўлиши» учун жуда қиммат гонорар — «қалам ҳақи» талаб этиб келган ижодкор бўлган. Ваҳоланки, шоир ўзининг «**Шеърят ва ҳақиқат**» асарига «**Ким**



Гёте

догарга шогирдликка беради. Йигитча эса ҳеч қанча вақт ўтмай, ўз хўжайинининг бор-будини ўзлаштириб кетади. **Гегель** ушбу ҳолат юзасидан жамоатчилик тарафидан кўрсатилган танқидий фикрларга чидай олмай, ўғлини Гегель фамилиясидан маҳрум этади. Худди шундай «ёшлик шўхликла-



Гегель

у ўз кундаликларини ҳам хотини Со-нядан сир тутмай кўяди. Сонечка ҳам унинг барча ўй ва изтиробларидан хабар толади ва эрининг барча «кўнги-хушликларини» билиб олади.

«Ишонмасиз балки, — деб ёзади кейинчалик Лев Николаевич, — шундан кейин менин-г ўз «мен»им

у? Рўҳни пулга олишувчи, ким?»» деб бонг уради. Шу билан бир пайтда барча ноширлардан ҳали ёзилмаган асарлари учун ҳам олдиндан катта-катта «муллажиринг» талаб этиб келган ва умрининг охирига қадар бу одатига содиқ қолган.

Шунингдек, **Бальзак** ёки **Достоевский** ҳам ҳаётлик пайтларида ортларида қарз қолдирмасликлари учун айрим ноширларга хали, ҳатто, гоёси ҳам ўйланмаган китобларини сотиш ҳуқуқини бериб, яъни пуллар, табиийки, ўша ноширларнинг ўзини қарзга ботириб кетганлари ҳам бор гап.

Гёте аксинча, шу қадар кўп пул талаб этишига қарамай, ўта зиқна бўлганки, ҳаттоки, хизматкорларига кесиб бериладиган нонни ҳам шахсан назорат этиб турган. Лекин бошқа даҳолар ҳам «иқтисодчилик»-да ундан қолишишмаган. Масалан, **Репин** ўзига жўнатилган посылка ипларини кесиб очмай, уларнинг тугунини кўнт билан ечиб, калава қилиб ўраб, олиб кўйган.

Густов Флобер эса аксинча, озиқ-овқатни аямаган. Бўкиб қолгунча еган. У уйда овқатланаётган пайт ёқаси, энги, кам-эзлининг тугмаларини ечиб кўяр, биринчи, иккинчи, учинчи таомдан кейинги ширинликчўрлик пайтида эса қорни дўмбира бўлиб кетгандан эгилмаган ҳолда оёқ кийимларини ҳам ечиб ташларкан.

Яна **Гётега** қайтсак. Унинг яқин дўсти ва оғиздан чиққан дярли ҳар бир сўзни дуру жавоҳир тергандек қозога тушириб борган котиби Эккерман даҳо шоирдан шу қадар кам маош олганки, бечора Эк-

ри» Карл Маркс билан ҳам бўлиб ўтган. Табиийки, бу воқеада ҳам **Энгельс** иштирак этган. Гап Маркс ижарада турган уй бекаси Хелен Демут ҳақида бормоқда. Жаноб Маркс иссиққина уйдан чиқмай туриб, ўзининг бир пайтлар дунёни ҳам том, ҳам кўча маънода ларзага келтирган машхур «Капитал» асаринигина ёзиб тугатмайди, балки Хелен хонимни қўлга олиб кўрибди. Кўп ўтмай дунёга келган болага Фредди деб исм қўядилар. Ҳар доимгидек, **Энгельс** ўз дўстини ноқулай вазиятдан қутқариш учун жамоатчиликка Фреддини ўзининг ўғли, деб эълон қилади. Йўкса, Карл Маркснинг нафақат сиёсий, балки оилавий масалада ҳам ҳоли вой бўлиши турган гап эди.

Ўта кўнги-чан, доҳиёна бағрикенг ёзувчилардан яна бири **Чарльз Диккенс** эса **ўн етти яшар актриса қизни севиб қолган, хотини ва фарзандларини яшаб турган уйдан ҳам маҳрум этган.** Ваҳоланки, Диккенс жаноблари нафақат жиддий ва салобатли эр, балки ўта қаттиққўл ота ҳам эди. У болаларини ҳарбий тартиб-интизом билан тарбиялар, қизларига эса «ҳар қандай қиз базми-ю, кечаларга» боришини қатъиян таъқиқлаб келган, ҳаттоки, кечалари қизлари ўз ўринларидади, эрталаб

қай даражада ёлғизланиб ва оғирлашиб қолганини», Толстойнинг хотини Софья Андреевна эса (Сонечка) ўз ўрнида даҳо билан бирга яшаш қандай бўлишини кўйидагича таърифлаб кетган:

«**Ўлганимдан кейин ўзимдаги бор юк ва оғирлиқни силтаб, иргитиб ташлайману, бу даҳодан нарига учиб кетаман. Ахир мен унга бир умр сокин, қувноқ, қулай шароит яратиб келишим шарт. Даҳони ҳам боқиш керак. Уни ҳам ювиб-тараш, кийинтириш керак. Ва унинг асарларини қайта ва қайта кўчириб ёзишга улгуриш керак. У хотиржам бўлиши учун рашк қилишига бирор-бир сабабни юзга келтирмаслигим шарт. Унинг сон-саноксиз бола-чақаларини улғайтиришим, тарбиялашим зарур, ваҳоланки, даҳомизнинг ўзлари болаларидан зерикади, улар билан бирга бўлишга вақтлари ҳам йўқ, чунки у Сукротлару Буддалар билан мулоқотда бўлмоғи лозим. Шу боис унинг яқинлари буларнинг ҳаммаси бўлишга интилишлари керак!..**

Ва даҳоларнинг яқинлари ўзларининг бор ёшлиги, кучи ва гўзаллигини, ҳамма-ҳаммасини сарфлаб бўлганидан кейин эса уларга нисбатан — шундай даҳони тўлиқ тушунмайдилар-а, деб ёзғирадилар ҳам»...

Ҳа, бу гаплар қанчалик аламли бўлмасин, аммо ҳақиқат ҳамдир. «Ҳали аҳмоқлик улушига эга бўлмаган бирорта даҳо бўлмаган» деган Сенека ҳам нақадар ҳақ. Ўзбекчасига айтганда эса, беайб — парвардигор, дейдилар!

ОЙНА

БИР САНДИҚ КИТОБДАН КЎРА...

Катта машваратда бири номдор, иккинчиси эса машхурликка «даъвогар» адиблар учрашиб қолишибди.

— Табриклайман, кеча газетага берган интервьюингизни ўқиб қолдим. Қандайдир жиддий асар устида ишлаётган экансиз, — сўрабди биринчиси.

У ҳам бўш келмай:

— Ҳа, энди, яқинда трилогия бошлаб кўйдим, насиб этса, йил охиригача тугатаман. Кейин...

— Кейин нима бўлади, бир зумда машхур бўлиб кетасизми?

— Ҳар ҳолда, оғайни, уч-тўрт йилдан бери ёзганларимга бир сандиқ тўлади, ахир. Бировларни қаранг, пиёзнинг пўстлоғидай келадиган битта китоби чиққач, танилиб кетаяпти.

Эллик йилдан бери элнинг назаридан тушмаган адиб ҳалигига қараб:

— Бир сандиқ китоб ёзгандан кўра, маҳаллангиздаги бева-бечораларга шунча тонна қозоғча кетган маблағингизнинг юздан бирини улашганингизда эди, ўлганингиздан кейин ҳам машхур бўлардингиз, — дебди...

Моҳинур ҚОДИРОВА

Кеча тахририятимизга пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманига қарашли “Яланғоч–22” маҳалласида умргузаронлик қилаётган зукко мухлисларимиздан бири, таъбир жоиз бўлса, ҳамма севиб томоша қиладиган машҳур “Суюнчи” фильмидаги Анзират бувининг ҳаётдаги

расига аталган зиёратгоҳ очилганида шунақа суюндимки, отамнинг пок руҳлари ҳаққи ҳурмати ўша жойни йиғлаб-йиғлаб зиёрат этдим. Кейин ҳам бир неча марта қариндош-уруғларим билан бордик. Лекин орада, кексалик курсин, тобим қочиб

ТЛАЖЖУБ

лажонларим, бу нима қилиқ, қаерда ўтирганларингни биласизларми ўзи? деб қойдим ҳам. Бироқ ҳалиги йигит хижолат тортиш, қизариш ўрнига безрайиб “парк-ку бу опоки, нима қипти?” деса бўладими? Бу гапларни ай-

МЕН УЯЛДИМ, СИЗ-ЧИ?

чинакам издоши, 82 ёшни қаршилаган бўлсалар-да, ўзгалар манфаати йўлида ҳамон тиним билмайдиган кекса онахон Адиба ая Магазумова кўнгириқ қилиб, “Болам, «Сила ва жамият»ни қолдирмай ўқиб бораёпман. Айниқса, энг сўнгги саҳифада қиқаётган мулоҳазали, кўпчиликнинг дилидаги гаплар акс этган айрим дардли мақолалар менга маъқул бўлаяпти. Аммо ўтган ҳафта ўз кўзим билан кўриб, қаттиқ ранжиган бир воқеани айтиб бермасам бўлмас” — деди.

АЙНИНГ ҲИКОЯСИ:

— Отам раҳматли бир замонлар қатагонга учраб, қамалган, қанча азов-уқубатларни кўрганлар. Бахтли тасодиф туфайлигина тирик қолиб, 1959 йилда оқланган эди. Лекин энг ақин дўстлари, кадрдонлари сургун бўлиб, ном-нишонсиз кетганлигини отам умрининг охиригача йиғлаб эслаганларини ҳеч унутолмайман. Айниқса, Абдулла Қодирий билан Учкўрғондаги ҳовлимизда кечган унутилмас суҳбатларини кўп хотирларди.

Эҳ-х... бугун бизлар кўраётган бу дориломон кунларга етолмаган шахид боболаримиз қанчадан-қанча. Шу боис Бўзсўв ёқасида улар хоти-

қолиб, боролмовдим. Яқинда насиб этиб, яна шу улуг жойга ўтиб келдим. Бу ерда менга ўшаган зиёратчилар жуда кўп экан. Аммо...
У ёғини сўрасангиз, кўнглим бир галати ҳолдан анча хижил бўлди.



Нега десангиз, зиёратчилар учун кўйилган скамейкаларда ўтирган айрим ёшларнинг беўхшов хатти-ҳаракатларини кўриб, мен уялиб кетдим. Ҳатто ихитасининг ёнига бориб, “бо-

тишга тилим бормаёпти, болам, ахир бундай муқаддас қадамжода бир-бирини ялаб-юлқаш, оғзига келган ярамас сўзлар билан сўқинишни-ку кўяверинг, ҳатто қаттиқроқ гапириш ҳам мумкин эмас-ку! Наҳотки, бундайлар оддий ўзбеккона инсоний ахлоқ-одоб қоидаларини ҳам билшмасан? Энг ёмони, бу каби бачкана ҳолатларни бошқалар ҳам кўриб, бепарво ўтиб кетаётганидан оғриндим.

Бу сўзларни ёниб, кўйиниб айтаётган онахонимиз минг бора ҳақ. Негаки, юқорида номи зикр этилган “Шахидлар хотираси” хиебони халқимиз, миллатимиз озодлиги йўлида жонларини қурбон қилган минг-минглаб ватандошларимизнинг руҳларини шод этмоқ мақсадида бунёд этилган. Бир сўз билан айтганда, бу жой муборак қадамжода яъни зиёратгоҳ! Шундай экан, ҳар бир босаётган қадамимиз ҳам, айтаётган гап-сўзимиз, ҳатто бажараётган оддийгина амал, хатти-ҳаракатимиз ҳам одамгарчилик, демак, ўзбекчиликка зид бўлмаслиги керак. Ўзи ёхуд атрофдагилардан истиқола қилишга қурби етмаётган айрим ёшларимиз ҳеч бўлмаса шахидлар руҳидан уялишим!

Норқобил ЖАЛИЛ

Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг!

Бахтли бўлинг!

КУЁВИМ ЎЗ ЎҒЛИМДАЙ
«Қизим турмушга чиққач, куёвим билан жуда бахтли эди. Уни ўз ўғлимдай кўрардим. Чунки хотинини ҳар томонлама қўллаб-қувватлар, кўнглига қарарди. Қизимнинг турмуш ўртоғидан бирон марта шижоат қилганини эшитмаганман. Улар икки ўғилни ҳамма ҳавас қилгудай қилиб тарбиялаётган эди. Лекин қизимнинг умри қисқа экан, пешонамизга сизмади. Куёвим мана б йилдирки, уйланишни хаёлига ҳам келтирмайди. Лекин мен унинг умри ёлғизликда ўтаётганига тинч қараб туролмадим. Шунинг учун куёвимни қадрига етадиган, оқила , уйим-жойим дейдиган бир келин тоғлибса мен уни ўз қизимдай кўрсам дейман. Куёвимнинг ёши 36 да. Қўлида яхшигина хунари бор. Агар у билан умр ришталаримни боғлайман, уни бахтли қиламан деган аёл бўлса, менинг кўнглим хотиржам бўларди.

ўқитдим. Қизим жудаям ақлли, оғирвазмин бўлиб воёга етди. Ҳеч қайси ишни мен билан маслаҳатлашмасдан қилмайди. Мен доимо унга «сен фақат ўқишинг керак, турмушга чиқиш ҳақида ҳеч қачон ўйлама» дердим. Аммо қизимнинг бахти чопмай ўқишга қиролмади. Фақат «сен ўқишинг керак, бошқа нарсаларни ўйлабмаслигинг лозим» деб қулоғига қуяверганим боисим, у қанчадан-қанча йигитларнинг раъйини қайтараверибди. Йиллар шамолдай югурди. Қизим ҳалиям мен учун жуда ёш ҳисобланади. Лекин мана, ҳашпаш дегунча 27 га ҳам ўзилибди. Агар қизимни тушунадиган, ўзига ўхшаган мулоҳазали, ақлли-хушли йигит чиқса, узатардик.

Адолат хола, Бухоро вилояти».

РАҲМАТ АЙТГАНИ КЕЛДИК
— Ассалому алайкум, мумкинми,— дейди тахририятга келган йигит ийманиб.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ, Сарвиноз хола».

КИЗИМНИ БАХТЛИ КЎРСАМ
«Оналарнинг энг эзгу ниятларидан бири — оқ ювиб, оқ тараган қизини бахтли кўриш. Мен ҳам қизимни не-не ниятларда катта қилдим. Мақтабни тугатгач, коллежда

— Марҳамат, хўш хизмат?
— Мен аввал ҳам келувдим, энди... — дея у ёшиқ томонга ўгирилиб кимгадир имо қилгач, ортдан ёшгина келинчақ ҳам кириб келди.
— Сизларга раҳмат айтмоқчи бўлиб келдик. Икки ойча олдин шу газетангизни ўқиб қолиб, бир-биримиз билан танишгандик.
Кўёв бола қолганини энди сен гапир дегандек келинга қаради.
— Очигини айтаверайми? Авваллиги бу ерга ишониб-ишонмай келгандим. Тасодифни қарангки, бу кишига менинг телефонимни беришган экан... Кўришдик ва мана келишиб - кенгашиб турмуш қурдик. Қайнота-қайнонамнинг меҳрибонлигини айтмайсиз. Минг раҳмат сизларга. Яна бир илтимосим ҳам бор эди: илоҳи бўлса қариндошимизнинг қизига ҳам бахти очилишига ёрдам берсангиз...
— Бажонидил, тахририятга талаб этилган ҳужжатлар ва бир донга сурати билан келсин, кўмаклашамиз.

ТАХРИРИЯТДАН:
«Бахтли бўлинг» ружнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қиладиган фуқаролар ўзлари билан паспортлари нусхаси ҳамда яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади. МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

«ИНФАРММАДАД»

Саломатлик марказига марҳамат!

Марказда сизнинг хизматингизда — эндокринолог, невропатолог, кардиолог, гинеколог, уролог, гельминтолог, лор, окулист, болалар невропатолог-гения соҳаларидаги малакали шифокорлар шунингдек, УЗИ, ЭХО, ЭКГ, лаборатория, физиотерапия хизмати фаолият олиб боради.

КўПЛАБ ОИЛАЛАРГА ФАРЗАНД ҚУВОНЧИНИ ТУҒФА ЭТИБ КЕЛАЁТГАН САЛОМАТЛИК МАРКАЗИ, СИЗНИНГ ҲАМ ХОНАДОНИНГИЗДА ЧАҚАЛОҚ ОВОЗИ ЯНГРАШИГА САБАБЧИ БЎЛАДИ!

Ёш келинлар турмуш ўртоғи билан ҳомиладорлик вақтида «Бўлажак оналар мактаби»га қатнаб, тегишли маслаҳатлар билан бирга даволаш гимнастикаси (ЛФК), психоневролог, кардиолог (ЭКГ) кўригидан ўтиб, фойдали йўл-йўриқлар олиб туриши мумкин.

Энди дунёга келган чақалоқлар эса мунтазам равишда болалар невропатолог, педиатр, психолог, эндокринолог, логопед, гельминтолог кўригидан бўлади.

Ҳурматли эркаклар! Агар сизда бел, қовуқ соҳасида оғриқ бўлса, тунда ҳожатга тез-тез чиқиши, пешоб келгандан сўнг ачишиш, жинсий оғизлик, бепуштлик, сабабсиз бош оғриғи, бел, бўйин оғриб, қотиб қолиши, асабийлик, уйқусизлик, семизлик ҳолатлари кузатишга, малакали уролог, сексопатолог, невропатолог, эндокринолог ёрдамида барча дардлардан тезда фориғ бўлишингиз мумкин.

Балоғат ёшидаги қизларда ҳаёз келганда кучли оғриқ бўлиши, бепуштлик, сабабсиз қон кетиши, тухумдон кистаси, асабийлашиш, қирқ ёшдан ошган аёлларда қон босимининг ошиши, терлаш, миома, эрозия ҳолатлари бўлса, малакали гинеколог, невропатолог, кардиолог, эндокринолог ёрдамида даволанади.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, «Фафур Фулом» метро бекати.
МЎЛЖАЛ: Цирк томонга 150 метр юрилади.
Тел: (8-371) 244-73-24, 244-49-02
Барча хизматлар лицензияланган.

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларга тақлиф этади.

- Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Тўй ва оқшом билбослари — 1-2 ой.
- Аёллар костюм-шини, плащ-пальто — 1-2 ой.
- Ҳамширалар — 6 ой, 4 ой ўқиш, 2 ой амалиёт.
- Тиббий массаж — 2 ой амалиёт билан. Нуктали — 1 ой.
- Торт ва пишириқлар амалиёти билан — 2 ой.
- Пишириқлар олий курси — 1 ой.
- Уйғурча таомлар ва салатлар — 1 ой, амалиёти билан.
- Аёллар сартарошлиғи — 3 ой, амалиёт билан.
- Педикюр, маникюр — 1 ой, амалиёт билан.
- Сартарошлиқ — 3 ой, амалиёт билан.
- Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.
- Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
- Парда ва чойшаблар — 1 ой амалиёт билан.
- Сартарошлиқ — 2-3 ой ўқил болалар учун. Салонда.
- Каштачилик — 3 ой машинада вишивка.
- Инглиз тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Рус тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Бисер тикиш, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
- Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.
- Компьютер сабаклари — 2 ой. Интернет — 1 ой.
- Арабча ва миллий рақс — 3 ой.

■ Машгулотлар амалиёти билан ■ Ётоқхона мавжуд

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади

Манзил: Юнусобод тумани, 3 мавзе, 1-уй, 31-хона.
Мўлжал: Юнусобод дехкон базори орқасида. Тел: 221-17-95, 221-77-72 кундузи, 225-97-93 18:00дан 22:00 гача.

Муассислар: Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Қабулхона: (тел, ва факс) 233-28-20
Мухбирлар: 234-25-46
Котибият: 233-04-35
Реклама бўлими: 233-04-50

Web-site: oilavajamiyat.uz

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент — 700000
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй
Мўлжал: «Олой» бозори ёнида

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган. Буюртма Г — 1132. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ. Адади — 9118
Навбатчи — Барно СУЛТОНОВА
Саҳифаловчилар — Илҳом ЖУМАНОВ, Шерзод БАРОҚОВ
Мусахҳилар — Саидгани САЙДАЛИМОВ, Камола АҲМЕДОВА

ISSN 2010-7609 2 3 4 5

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.